ГЕРОИН ХАВФИ

Бугунги кунда вилоят наркология диспансерида 1584 киши ҳисобда туради. Уларнинг аксарияти ёшлар экани янада ташвишланарли. ОИТС марказида рўйхатда турувчи юздан ортиқ фуқароларнинг ярмидан кўпи ушбу бедаво хасталикни айнан гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиши оқибатида юқтиргани аниқланди.

3 бет

«ХУСУСИЙЛАШТИРИШ»

Ф.Мирзаев гўёки ташкилотга ярим ставкага ишга қабул қилинган У.Ҳотамовни МЧЖ таъсисчиси сифатида кўрсатиб, унинг номидан 40 млн. 300 минг сўм улуш киритади ва амалда мулкнинг 91,4 фоизини қўлга киритади. У.Ҳотамов эса жиной гуруҳ аъзоси, вилоят Давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи М.Ҳотамовнинг ҳали ўрта мактабни ҳам тугалламаган ўғли эди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 19-iyun, № 25 (598)

АНЖУМАН

Инсон ҳуқуқлари олий қадрият

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Конституциявий суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти билан ҳамкорликда «Фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги давлат органларининг масъулияти» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференцияда шунингдек, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ва Жиззах вилоятлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари, адвокатлар, кенг жамоатчилик вакиллари, ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштиришга хизмат қилаяпти десак янглишмаган бўламиз. Ҳозирда мазкур фармонни кенг оммага етказиш мақсадида инсон ҳуқуқлари маданиятини ёйишга қаратилган таълим ва маърифий, шунингдек, ахборот-тарғибот тадбирлари бўйича тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларни амалга оширишда давлат идоралари ва муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этишяпти.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа институтларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратишга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу санани нишонлащдан кўзланган асосий мақсад ғоят муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оид замонавий ёндашув, билим ва маданиятни шакллантиришдаги аҳамиятини янада кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Ўзбекистонда аҳолининг кам таъминланган қатламлари — нафақадагилар, ногиронлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кўп болали оилалар ва ўқувчи ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаб келинаётганлиги анжуманда алоҳида таъкидланди.

Конференцияда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишига доир ишларнинг аҳволи назарий ва амалий нуқтаи назардан муҳокама қилинди.

Инсон ҳуқуқлари мавзусига ихтисослашган таниқли олимлар, экспертлар ва амалиётчилар фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги давлат органларининг масъулияти, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, қонунларнинг устуворлиги хусусидаги илмий-амалий маърузалари билан чиқишиб, қўплаб маълумотларни тақдим этишди.

Конференция ишини бошқарган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А.Шарафутдинов ҳам мавзу юзасидан ўз фикрини билдириб ўтди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси А.Саидов, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Конституциявий суд судьяси У.Бозоров, ТДЮИ ректори, сенатор М.Рустамбоев ва Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари бошлиғи Т.Умаровларнинг маърузалари ҳам пухта тайёрланганлиги, фактлар, таклиф ва тавсияларга бойлиги билан эътиборни тортди.

— Бу йиғилишда жуда кўп яхши гаплар бўлди. Мен ҳам кўп нарсани ўргандим, — деди Тойлоқ туманидан келган маҳалла фаоли. — Фақат бу гапларни халққа ҳам етказиб бориш керак. Тўғри, газетада, телевидениеда бу ҳақда маълумотлар бериляпти. Ўқиган бошқа, кўрган бошқа, юзма-юз гаплашиб тушунтирган бошқача-да.

Қизғин савол-жавоб ва мунозаралар анча давом этди.

Сарҳатилло ХАЛИЛОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

ИФТИХОР

Дилмурод АБДУРАҲМАНОВ,
Сурхондарё вилоят прокурори

Қонун устуворлиги – асосий вазифамиз

Мамлакатимизнинг энг чекка вилоятларидан бири бўлиб келган Сурхондарё ҳозирда иқтисодий тараққиёт йўлига чиқиб олмоқда. Шу йил март ойида бўлиб ўтган вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз Ислом Каримов: «Келаётган беш йил — Сурхондарё беш йиллиги бўлади», дея бежиз таъкидламади. Ўтган йили ишга туширилган, инвестиция ҳажми 450 млн. АҚШ доллари бўлган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли бу тараққиётнинг тамал тошини қўйди.

Малайзиянинг «Петронас Чаригали» компанияси билан келишув лойиҳасига кўра Бойсунда тоғ-кон геология қидирув ишлари 2012 йилгача давом этади. «Хонжиза» полиметалл конини ўзлаштириш, Шеробод ва Жарқўрғон туманларида цемент заводлари қуриш, Жарқўрғон ва Шўрчида пиллани қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш, Қумқўрғонда йиллик қуввати 500 минг дона бўлган шифер заводи, Бойсунда гипс ишлаб чиқариш корхонаси барпо этиш... Бу рўйхатни яна анча давом эттириш мумкин. Буларнинг бари Сурхон воҳаси ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида юксалиш сари юз тутаётганидан далолатдир.

Ҳа, юртимизда кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳам янги босқичга кўтарилди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдек катта масъулият прокуратура органлари зиммасига юклатилди.

(Давоми 4-бетда).

ТАШАББУС

Тарбия масъулият демакдир

Ёшлар — миллат келажаги, давлат таянчи. Уларнинг ҳар жиҳатдан етук камолли ёрқин истиқболни таъминлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёш авлод ҳақида ғамхўрлик тобора устувор аҳамият касб этмоқда.

Наманган вилояти прокуратураси ҳам ана шундай эътиборни назарда тутган ҳолда вояга етмаганларга оид қонунлар, «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси ҳамда Республика Бош прокурорининг «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи талаблари асосида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ўқиш ва яшаш жойларида тарбиявий ишларнинг аҳволи, улар орасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида назорат тадбирлари ўтказмоқда.

Бу борада Чуст тумани прокуратураси, туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда туман ХТБга қарашли 2-сонли умумтаълим мактаби ҳамкорлигида йўлга қўйилган ибратли ташаббус эътирофга сазовор.

Бола тарбияси билан қанча эрта шуғулланилса, шунча яхши. Шу маънода, мазкур мактабда ўқувчиларга иқтисодий билимларни чуқур ўргатиш, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, замон талаблари асосида билим бериш, касб-ҳунар эгаллашлари учун етарли шарт-шароит яратиш масаласи барчанинг диққат марказида. Бунинг амалий исботи сифатида «Оилада хўжалик юритишнинг илк сабоқлари» номли дафтар-қўлланма намунаси ишлаб чиқилди ҳамда тумандаги барча мактабларда жорий қилинди.

Қўлланмадан кўзланган мақсад, ўқувчининг иқтисодиёт бўйича дастлабки тушунчаларини шакллантириш, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш баробарида бу соҳада ота-оналарнинг ролини кучайтириш, уни мустақил ҳаётга тайёрлашга кўмак беришдан иборат.

Ушбу хайрли ишга қўл уришдан олдин мактаб жамоаси билан туман прокуратураси ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси қўшма йиғилиш ўтказиб, бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Юқорида таъкидланганидек, мактабларда «Оилада хўжалик юритишнинг илк сабоқлари» номли қўлланма-дафтар жорий қилиниши, ўқувчиларни кундалик турмуш учун зарур бўлган табиий бойликларимизни тежаб-тергаб ишлатишга ўргатиш имконини яратди. Натижада, ушбу мактаб ўқувчилари яшайдиган «Дўзанда», «Хўжаобод» ҳамда «Боғи эрам» каби маҳаллаларда коммунал тўловлардан бўлган қарздорликни камайтириш борасида ижобий натижага эришилди. Буни табиий газ, ичимлик суви, электр энергиясидан бўлган қарздорлик 92-99 фоизгача бартараф этилганида ҳам кўриш мумкин.

Чиндан ҳам, тарбия борасида оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги жуда муҳим. Ана шу жиҳатларни ҳисобга олган туман прокуратураси ва мактаб жамоаси аввало тежамкорлик, оиланинг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган тушунтириш ишлари билан оилаларга кириб боришни мақсадга мувофиқ деб топди.

(Давоми 3-бетда).

«Нексия»нинг «шапка»си қанча?

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖҲДЛҚК департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси ва ҳудудий бўлимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид жиноятларни аниқлаш борасида бир қанча тадбирлар ўтказилди. Аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан 177 та жиноят иши қўзғатилиб, 18 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди ва ҳуқуқбузарлардан шундайлардан бири чиқиб қолди. У мансабидан унумли фойдаланиб қолишга ҳаракат қилиб, салондан сотилаётган автомашиналар устига ўзининг нархини, яъни «шапкаси»ни қўйиб чиққан. Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда «тадбиркор»нинг ихтироси ошкор бўлди. Х.Турдиев автомашиналарни навбатсиз отиш учун харидордан 1500 АҚШ долларини пора ситоласи, 22 кг. чигит, 10 ва 3 тонналик цистерналар, мойжувоз кабилар олинди.

Экспертиза хулосасига кўра, 11,3 тонна пахта ёғи ишлаб чиқариш учун 53 жами 352 млн. 950,2 минг сўмлик товар моддий бойликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Давлат бюджетига 9 млрд. 827,9 млн. сўм миқдорида қўшимча маблағ ҳисобланиб, унинг 2 млрд. 690,8 млн. сўми ундириб олинди.

Ноқонуний нақд пул айланмаси миллий валютани қадрсизлантирадиган, иқтисодиётни издан чиқарадиган жараёндир. Шунинг учун бунга барҳам бериш ҳамда ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари томонидан содир этилаётган жиноятларни фош этиш борасида кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Олиб борилган ишлар натижасида 52 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилиб, 6 млрд. 196,6 млн. сўмлик ноқонуний нақд пул айланмаси аниқланди. Шу ўринда ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараган ҳамда мансабини суиистеъмол қилган 21 нафар банк ходимларига нисбатан жиноят ишлар қўзғатилганини айтиб ўтиш жоиз.

Афсуски, мансабидан таъмагирлик мақсадида фойдаланаётган, «давринг келди сур бегим» қабилида ҳаракат қилаётган айрим «олғирлар» орамизда ҳамон учраб турибди. Қашқадарё «Автотеххизмат» ОАЖ бошлиғи Х.Турдиев ана фатида олаётганида қўлга олинди. Текширувда унинг хизмат хонасидан 168 минг 150 АҚШ доллари ҳамда кўплаб фуқароларнинг паспортлари далилий ашё сифатида олинди.

Ушбу ҳолат юзасидан Х.Турдиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Яширин равишда истеъмолга яроқсиз бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва муомалага киритилишининг олдини олиш борасида ҳам бир қанча тадбирлар олиб борилди. Натижада 22 та ҳолатда яширин равишда фаолият кўрсатиб келаётган цехлар фош этилиб, 38 млн. 110,9 минг сўмлик товар моддий бойликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Жумладан, Қамаши туман бўлими томонидан ўтказилган комплекс тезкор тадбирлар натижасида «Қамаши пахта тозалаш» корхонаси ёнида яшовчи фуқаро Ғ.Шерқулов ушбу завод мансабдорларининг ҳомийлигида заводдан юқори кучланишли электр тармоғига уланиб, ўз уйида яширин цех ташкил қилганлиги ва завод орқали ўтган темир йўлдан махсус ясалган вагонеткада заводдан чигит олиб чиқиб, ундан ёғ ишлаб чиқариб келганлиги аниқланди. Яширин цехдан 11,3 тонна ёғ, 1 тонна пахта тоннадан ортиқ чигит қайта ишланган. Бундан ташқари, Ғ.Шерқулов 22,7 млн. сўмлик завод электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб, жуда кўп миқдорда зарар етказган. «Қамаши пахта тозалаш» корхонаси мансабдор шахслари ва Ғ.Шерқулов гумонланувчи тариқасида ушланди.

Жиноят иши юзасидан корхонада ўтказилган ҳужжатли текшириш натижасида бюджетга 107 млн. сўм қўшимча маблағ ҳисобланиб, тўлиқ ундириб олинди.

Алкоголли маҳсулотларнинг ноқонуний муомалага киритилишига барҳам бериш борасида амалга оширилган ишлар натижасида ҳам жами 35 та ҳолатда шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, олиб келиш ва муомалага киритиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 34 та жиноят ва 1 та ҳолатда маъмурий ишлар қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 14 млн. 573,2 минг сўмлик ноқонуний савдога чиқарилган алкоголли маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Жума ҚАЮМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖҲДЛҚК департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи

ОҚИБАТ

— Ёрдам беринглар, Коля акасини сўйиб қўйди! Чирчиқ шаҳридаги аҳолига уй-жой қилиб берилган собиқ ётоқхона йўлагини аёл кишининг чинқириғи тутди. Шошиб қолган вахтачи аёл «тез ёрдам»га телефон қилиш учун югуриб кетди. «Тез ёрдам» ва милиция ходимлари етиб келганда боя дод солган аёлнинг квартирасида бир йигит қонига беланиб ётар эди.

Қон йўқотиш натижасида ҳушини йўқотган йигитни тезда шифохонага олиб кетишди, милиция жиноят тафсилотларига оид суриштирувни бошлаб юборди. Хўш, бу ерда қандай жиноят содир этилган эди?

Тартибсиз ҳаёт тарзига қўникиб қолган Николай ўша куни уйига маст ҳолатда кириб келди. У билан деярли бир вақтда уйга кириб келган акаси Андрей ҳам ширакайф эди. Болаларининг бундай аҳволда юришига қўникиб қолган Галина Расторгуева уларнинг уятсиз сўзлар билан талашиб-тортишаётганига одатдагидай эътибор қилмади.

Бир пайт Коля онасини чақириб сочини, эндигина сабза ураётган мўйлабини бўятмоқчилигини айтиб қолди. Она ҳафсаласизлик қилдими ё бошқа сабабданми, Колянинг бўялган сочи кўнгилдагидай туста кирмади. Ойна олдига келган йигитча онасини бўралаб сўка бошлади. Мастлик таъсирида кўзи илинган Андрей онаси ва укасининг бақир-чақиридан уйғониб кетди. Укасининг онасига ўдағайлаётганига чидай олмай уни туртиб юбориб, сўнг уриб-тепди. Коля стол устида турган пичоққа тармашди. Андрей буни кўрди, лекин ^ қочишга улгурмади: Коля унинг қорни ва кўкрагига икки марта пичоқ санчиб олди. Андрей оғриқ зарбидан ихраб, букчайиб қолди.

Ўғилларининг муштлашувини жимгина томоша қилиб турган Галина Расторгуева дод солиб Колянинг қўлига ёпишганида кеч бўлганди. Қилғилиқни қилиб қўйган йигитча ўзини эшикка урди. Бир-икки қун яшириниб юрди. Лекин узоққа кетолмади, милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Кўрсатилган малакали тиббий ёрдам туфайли Андрейнинг ҳаёти сақлаб қолинди. У ҳарқалай укаси Коля каби оқибатсиз эмас экан: суд мажлисида укасига ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтиб, бу жиноятда ўзининг ҳам айби борлигини тан олди.

Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг ҳукми билан вояга етмаган Николай Расторгуев тегишли жазосини олди.

Баҳодир ҚОРАЕВ,
Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Ҳаётда эл корига ярайин, халқнинг дуосини олайин деб яшайдиган инсонлар кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг умри ҳам мазмунли бўлади. Лекин ана шундай инсонларнинг акси бўлган кимсалар борки, бундайлардан худо ҳам безор. Мақоламиз «қаҳрамони» Александр Громиков шундай кимсалардан чиқиб қолди.

ҚИММАТГА ТУШГАН САЙР

У 2000 йил Чилонзор тумани суди томонидан жазоланган бўлса-да, бундан хулоса чиқармади. Бугун у яна суднинг қора курсисидан жой олди.

Баъзи ташкилот раҳбарлари судланган кишиларни ишга олишни кўп ҳам хоҳлашавермайди. Лекин ҳорижда ишлаб чиқарилган автомашиналарни таъмирлайдиган «Premium Auto» МЧЖ раҳбарлари мардлик қилишди. «Александр судланиб қилмишидан пушаймон бўлган бўлса керак. Олий маълумотли. Қолаверса, оилалик экан», деб уни қоровул сифатида ишга олишди. Бора-бора жамоадагилар ишончини қозонди. Бироқ Александр бу ишончни барбод қилди. Ўзи қоровуллик қилаётган биринчи постни ташлаб, ҳамкасби Сурен Расулов қўриқлаётган учинчи постга борди. Сурен ҳам унинг келишини кутиб турган экан:

— Александр, жойимизни алмашайлик. Роса, чарчадим. Сен қўриқлаётган пост тинчроқ. Бироз мизғиб олай, — деди.

— Мен розиман. Нима фарқи бор, — деди Александр.

Постлар алмашгач, Александр ён-верига қаради-ю, оғзи очилиб қолди. Унинг олдида «Renge Rover» автомашинаси турарди. Қизиғи, 65 минг АҚШ доллари турадиган автомашина калити шундоққина ўриндиқнинг устида ётарди. «Жиззах Био Спектр» қўшма корхонаси бу автомашинани таъмирлаш учун бериб кетганди.

Александр автомашинага ўтириб калитни буради. Не кўз билан кўрсинки, мотор ишлаб кетди. «Энди бу машина билан бемалол шаҳар айланса бўлар», хаёлидан ўтказди Александр. Бу пайтда тунги соат уч эди. У саёҳатни шаҳарнинг марказий кўчасидан бошлади.

Тунги соат 4.00 га яқин қоровул Сурен Расулов ҳамроҳидан хабар олиш учун келди. Лекин Александр ҳам, «Renge Rover» автомашинаси ҳам жойида йўқ эди. Сўнг 2-постдаги Равшан Раҳмонов билан Александрни қидиришни бошлади.

Қидиришдан наф чиқмагач, С.Расулов бошлиғи С.Тўраевнинг уйига қўнғироқ қилиб, «Александр «Renge Rover» автомашинасини ўғирлаб кетибди», деди.

Бошлиқнинг уйқуси қочиб, жонҳолатда Александрнинг уйига қўнғироқ қилди. Телефон гўшагини Александрнинг ўзи олди. Сўнг ҳеч нарса бўлмагандек, гўшакни қўйиб қўйди. Бошлиқнинг эса мазаси қочди. 65 минг доллар турадиган автомашина йўқолса-я!

Тонгга яқин автоҳалокатга учраган «Renge Rover» автомашинасини пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудидаги «Салом» кафеси ёнидан топишди. Мутахассислар автомашинага 16 млн. 233 минг сўмлик зарар етказилганлигини аниқлашди. Жазоланишини билган Александр Громиков зудлик билан отаси яшайдиган Беларус республикасининг Витебск вилоятига қочиб кетди. У ердан Александрни олиб келишди. Жиноят ишлар бўйича Бектемир туман суди А.Громиковни яна қилмишига яраша жазолади.

Равшан ЖАКБАРОВ,
Бектемир туман прокурорининг ёрдамчиси

Шарманда бўлган мудира

Мактабгача таълим муассасаси жуда муқаддас даргоҳ саналади. Чунки бу таълимнинг илк босқичи бўлиб, келажагимиз эгалари бўлмиш фарзандларимизнинг билим пойдевори ана шу ерда қўйилади, мустаҳкамланади. Энди бу даргоҳда сохтакорлик, талон-торожликка йўл қўйилса-чи? У ҳолда муассасанинг ишларига путур етиб, болажонлар тарбиясида кемтиклик юзага келиши турган гап.

Афсуски, Данғара туманидаги 18-мактабгача таълим муассасасида худди шундай вазият юзага келди. Бунга МТМ мудираси Муаттар Собирова (исм-шарифлари ўзгартирилган) ва мудирининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Сожида Маҳсумованинг қиғирликлари сабаб бўлди.

Гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, мазкур муассаса илгари туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли «Чеҳра» номли болалар боғчаси сифатида фаолият юритган. Муаттар ўша пайтда ҳам боғча мудираси вазифасида меҳнат қиларди. 2000 йил 2 мартда эса муассаса туман ҳокими қарори билан туман халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказилган. Шундан кейин бир куни М.Собировани халқ таълими бўлимига чақиртиришди.

— Ўзингиз биласиз, боғча халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказилгандан сўнг унга ва жамоа олдига қўйиладиган талаблар ҳам жиддий бўлади. Энди сиз педагогик маълумотга эга бўлишингиз шарт. Чунки бу нарса «Таълим тўғрисида»ги қонунда қатъий белгиланган, — дея тушунтирди ХТБ вакили.

— Ҳа, албатта, бу талабни бажараман, — деди мудира безовталигини билдирмай. У уйига қайтаркан, нима қилиб бўлса ҳам ўз вазифасида қолиш, бунинг учун эса педагогик маълумотга эга бўлиш йўлларини изларди.

Буни қарангки, кўпга бормай Муаттарнинг яқин танишларидан бири унинг жонига оро кирди.

— Ўқимай туриб ҳам диплом олиш мумкин. Бир танишим билан юзлаштириб қўяман, сенга ёрдам беради. Фақат харажатидан қочмасанг бўлгани, — деди у.

Дарҳақиқат, ўша таниши ваъдасининг устидан чиқиб, айтган кишисини Муаттарга рўбарў қилди.

— Аввал ҳам кўпчиликнинг ҳожатини чиқарганман. Майли, дўстимнинг ҳурмати учун сизни ҳам қўллаб юбораман, — деб ваъдани қуюқ қилди «ҳожатбарор».

Ниҳоят 2000 йилнинг августида мудирамизнинг орзуси ушалди. Яъни ҳалиги киши унинг Тошкент вилоят педагогика билим юртига 1997 йилда ўқишга кириб, 2000 йилда уни «мактабгача тарбия» мутахассислигини «тамомлаганлиги»ни тасдиқловчи, 3947-рақам билан рўйхатга олинган, 275734-сонли қалбаки дипломни келтириб берди. Албатта, бу яхшилиги учун Муаттар уни қуруқ қўймади.

Шу тариқа М.Собирова ўз «илдизи»ни мустаҳкамлаб олди. Натижада мудиралик курсисида нақ 7 йил савлат тўкиб ўтирди. Фаолиятининг дастлабки йилларида «миси чиқиб» қолишидан қўрқиб, бинойидек ишлади. Аммо сўнгги пайтларга келиб, нафс гирдобига тушиб қолди. Бунда у Сожида билан «ҳамкорлик» қилди. Аниқроғи 2005 йилда 574 минг 500 сўмлик, 2006-2007 йилларда 580 минг 400 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини уйларига ташиб кетишди. Бу ҳам етмагандек 2005-2006 йиллар мобайнида 502 минг 300 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамкасбларига иссиқ овқат тарзида пишириб бериб, болалар ҳақига хиёнат қилишди. Кошки эди шу билан уларнинг қиғирликлари якун топса? Иккалалари тил бириктириб, фуқаро Назира Жумаевани 2006 йилнинг январидан «кир ювувчи» вазифасига расмийлаштиришди. Муассаса остонасидан ҳатламаган Назира бу вазифада нақ 10 ой «ишлади». Табиийки, унинг 541 минг 200 сўм иш ҳақларини Муаттар билан Сожида осонгина ҳазм қилиб юборишди. Улар сохтакорликнинг охири «вой» эканлиги, бировнинг ҳақи ҳеч қачон бошқа кишига буюмаслигини қачонки туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан кирдикорлари фош этилгандагина англаб етишди. Лекин энди кеч бўлганди.

Мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Данғара туман суди ҳар иккала аёлнинг қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Алишер КОМИЛОВ,
Данғара туман прокурори

Инсон дунёга келар экан, бирон мақсад билан яшайди. Ижтимоий муносабатларда фаол бўлиб, жамиятда ўз ўрнини топиш ҳар бир шахс учун шарафдир. Бу мартабага сазовор бўлишда ҳалол меҳнат қилиш ҳамда соғлом турмуш кечириш муҳим ҳисобланади.

Кейинги йилларда минглаб юртдошларимиз мамлакатимиздаги ўзгаришу имкониятлардан мамнун бўлиб, бунёдкорлик борасида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Уларнинг ғайрати туфайли бунёд этилган иморатлардан кўз қувнайди, замонавий андозалар талаблари даражасида тайёрланган маҳсулотлардан баҳраманд бўлар эканмиз, дилимизда шукроналик туямиз. Ҳизмат савияси кун сайин юксалиб бормоқда. Буларнинг бари мустақиллик шарофати, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасидир.



ГЕРОИН ХАВФИ

ёки жар ёқасидаги одам

Афсуски, катта имконият эшиклари очилиб, тадбиркорлигу ишбилармонлик, умуман, ҳалол меҳнат қилиш ва меҳнатига яраша манфаатдор бўлиш учун ҳукуматимиз томонидан катта имтиёзу кафолатлар берилаётган шароитда айрим фуқаролар ҳамон ноқонуний йўллар билан даромад топиш илинжида бўлишмоқда. Ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар барча замонларда содир этилган ва жамиятнинг доимий қаршилигига учраб келган. Ҳозирги кунда жамиятимиз учун катта таҳдид солаётган жиноий қилмишлардан бири — яқин ўтмишда пайдо бўлиб, аср вабоси дея эътироф этилаётган гиёҳвандлик иллатидир.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш ижтимоий хавфли жиноятлардан ҳисобланиб, уни вабога қиёслашади. Бу вабо каби оқибати оғир, тарқалиши тез, аммо чекиниши, барҳам топиши жуда мураккаб бўлган офатдир. У инсоният соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, муайян ҳудуддаги криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий-маданий негизларига салбий таъсир кўрсатиб, кўп ҳолларда уюшган жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ўтган йили Хоразм вилояти ҳудудида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ 656 та жиноят фош этилган. Бу турдаги жиноятларнинг катта қисми шундай воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш ва ўтказиш билан боғлиқ.

Гиёҳвандлик воситаларининг катта миқдорда етиштирилаётгани ва ер юзи бўйлаб шиддат билан тарқалаётгани авлодлари учун қайғурадиган ҳар бир миллатни ташвишга солаётгани шубҳасиз. Бу иллатнинг республикамиз, умуман, жаҳон ҳамжамиятига солаётган таҳдиди хусусида Юртбошимиз дунёнинг катта минбарларидан кўп бора бонг уриб, хусусан, биз билан чегарадош, узоқ йиллардан буён нотинч минтақа ҳисобланган Афғонистон муаммосини ечиш бўйича ўзининг амалий таклифларини бериб келмоқда. Яқинда Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган НАТО саммитида ҳам Президентимиз Марказий Осиёда, умуман, жаҳонда хавфсизликни таъминлаш учун афғон ҳудудида тинчликка эришиш, у ерда ҳарбий ҳаракатлар билан эмас, балки ўнлаб йиллар мобайнида кескинлигича қолиб келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш орқали барқарорликни таъминлаш лозимлиги хусусида аниқ таклифларини баён этди. Афғон диёрида тинчлик ва барқарорликнинг ўрнатилиши шу ҳудудда тайёрланаётган гиёҳванд моддалар йўлига тўсиқ қўйиши аниқ. Шу билан бирга халқаро терроризм ҳам энг катта иқтисодий манбаи, молиявий таъминотидан айрилади. Республикамизга гиёҳвандлик воситалари кириб келиши кескин камаяди, демакки, аҳоли соғлиғи ҳамда хавфсизлиги учун таҳдид туғдираётган иллат чекинади.

Албатта, бу иллатга қарши курашиш ҳамжиҳатлик ва доимий фаолиятни талаб этади. Бу борада вилоят прокуратураси томонидан қуйидаги учта йўналишда мунтазам иш олиб борилмоқда:

— гиёҳванд воситалар тарқатилиш тизимининг асосий бўғини ҳисобланган ташувчи ва сотувчи шахсларни аниқлаш, уларни фош қилиш юзасидан тезкор-тергов ишларини кучайтириш ҳамда айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласида қатъият кўрсатиш, қонунийликни таъминлаш;

— ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг гиёҳвандлик воситалари олиб келиниши ва тарқалишида иштироки ёки ҳомийлигига қарши кескин чора-тадбирлар кўриш;

— гиёҳвандликнинг оғир оқибатларидан кенг жамоатчиликни огоҳ қилиш орқали аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган тарғибот тадбирлари самарадорлигини ошириш.

Гиёҳвандлик ОИТС, фоҳишабозлик ва экстремизмнинг дояси ҳисобланади. Улар эгизак жиноятлардир. Бугунги кунда вилоят наркология диспансерида 1584 киши ҳисобда туради. Уларнинг аксарияти ёшлар экани янада ташвишланарли. Бу дардга чалинганларнинг 80 нафарини аёллар ташкил этади. ОИТС марказида рўйхатда турувчи юздан ортиқ фуқароларнинг яримдан кўпи ушбу бедаво хасталикни айнан гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиши оқибатида юқтиргани аниқланди.

Вилоят ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари олиб кирилиши ҳамда тарқатилишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли тадбирлар натижасида бу тур жиноятларни фош этиш ўтган йили 7,9 фоизга ошди. Гиёҳвандлик билан боғлиқ қилмишлар вилоятда умумий жиноятларнинг 18,7 фоизини ташкил қилмоқда.

Бу вабони тарқатувчилар асосан аёллар воситасида иш кўришмоқда. Ҳазорасплик бир аёл бир гуруҳ шахсларга жуда кўп миқдорда героин гиёҳвандлик воситасини сотгани ҳамда уйида бангихона ташкил эттани учун узоқ муддатга жавобгарликка тортилди. Тергов давридa у тўрт нафар фарзанднинг онаси экани, ҳеч қаерда ишламаслиги аниқланди. Пул топиш илинжида жиноят кўчасига кирган бу аёл сўнгги икки йил давомида гиёҳвандликка ружу қўйган. 2002 йилда гиёҳвандлик воситаларини сотгани учун судланган. 2003 йилда амнистия акти асосида жазодан озод қилинган. Шу йилнинг февраль ойида эса, турмуш ўртоғи худди шундай жиноят содир этгани учун етти йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Эр-хотиннинг кетма-кет жиноят содир этиши оилани пароканделикка олиб келиши шубҳасиз. Тўрт нафар фарзандининг тарбияси, келажак тақдирига бефарқ бўлган бу кимсаларни қандай аташ мумкин?

Халқимизда кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деган нақл бор. Эр-хотинлар жиноят кўчасига дастлаб тасодифан кириб қолган бўлиши мумкин, аммо кейинчалик гиёҳвандлик воситалари савдосини касб қилиб олгани аниқ. Энди савол туғилади: мазкур оилани пароканделикдан сақлаб қолиш мумкинмиди? Албатта. Агар маҳалла-кўй бу оила тақдирига бефарқ бўлмай, участка профилактика нозири ва фуқаролар йиғинидаги масъуллар вақтида уларга жамоатчилик таъсирини ўтказганида, эҳтимол кейинги жиноятлар содир этилмасди. Ота-онаси узоқ муддатга қамалган фарзандларнинг келажаги қандай кечади?

Яна шуниси ачинарлики, ушбу оилада гиёҳванд воситалар сотилаётганидан атрофдагилар хабардор бўла туриб, менга нима ёки шу гап мендан чиқмасин, деган ортиқча андиша билан бефарқ қараб келишган. Бир оиланинг жиноят кўчасига кириши фақат шу оила фожеаси эмас, балки маҳалла-кўйнинг, охир-оқибат жамиятнинг қайғуси бўлиши керак. Ахир айни шу оиланинг ёмон ибрати оқибатида сизнинг фарзандингиз ҳам ноқобил йўлга кириб кетиши мумкин-ку. Биз бир жамиятда яшар эканмиз, атрофимиздагиларнинг ҳаракатлари, тақдири бизнинг келажагимиз билан бевосита боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак.

Нодирбек БОЙТЕМИРОВ,
Хоразм вилоят прокуроринин биринчи ўринбосари

Тарбия масъулият демакдир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, бу ўзининг ижобий самарасини берди. Жорий йилнинг бошидан буён мактабда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари юз бермади. Тежамкорлик намунаси сифатида металл ва қоғоз парчаларини тўплаш учун алоҳида-алоҳида қутилар ташкил этилди. Қолаверса, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларига газ, электр ва бошқа соҳа мутахассислари томонидан махсус дарслар ўтиш йўлга қўйилди.

Мазкур тадбирлар натижаси ўлароқ, бугун бу даргоҳда таълим олаётган ҳар бир ўқувчи табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларнинг ҳақини вақтида тўлаб бориш фуқаролик бурчи эканини яхши билади.

Ўтган давр мобайнида мактабда ўтказилган ушбу тадбирлар — тўгарак фаолияти, махсус дарслар ҳамда ота-она ва фарзанд иштирокидаги савол-жавоблар натижасида ўқувчиларнинг ўқиш ва ҳаётга бўлган қарашларида, маҳалла ва оилавий муносабатларида кескин ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Хусусан:

— ота-она ва бола муносабатларида янада яқинлик ҳамда ҳамфикрлик;

— болада ўз оиласини бюджетини кўтариш ҳисси;

— оилалар ўртасида оила даромадини ошириш бўйича «соғлом рақобат» юзага келиши;

— оилада парранда ва чорва боқиш, ер-ноннинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиб, мева-сабзавот етиштириш ҳисобига катта даромадлар олиш;

— болада электр, газ, сув ва бошқа табиий ресурсларни беҳуда сарфлаш ҳамда улардан ўзбошимчалик билан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларига нисбатан муросасизлик туйғуси;

— қоғоз, металл ва ойна каби ишлаб чиқариш чиқиндиларини алоҳида қутиларга жамлаб, улар ҳисобидан оила ва мактабга даромад келтириш тушунчаси;

— уй шароитида табиий ресурсларга ноқонуний равишда уланиб, чигитдан ёғ-мой, омухта ем тайёрловчи ҳамда алкоголли ва спиртли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи цехларга нисбатан нафрат туйғуси уйғотилди.

Туман прокуратураси мактаб жамоаси билан йўлга қўйган бу ибратли ташаббуслар мақсад таълим-тарбияни яхшилаш ва ёшлар камоли борасида фақаттина ўсиб келаётган ўғил-қизлар билан ишлаш эмас, балки ота-оналарнинг ҳам бу масалага масъулиятини оширишдан иборат. Шу мақсадда ота-оналарга дафтар-қўлланма тақдим этилди. Унда таълим-тарбия борасида ғоят муҳим жиҳатлари ифода этган саволлар қўйилган эди.

Дафтардаги саволларни тўлдириш жараёнида айрим ота-оналар ўз фарзандининг қизиқишларини, унинг атрофидаги одамларни билмаслиги, дарсларни ўтказиб юборишига ўзлари сабабчи бўлаётганлиги, ўзларининг мулки даҳлсизлигига итоат қилмаётганлиги аниқ бўлиб қолмоқда.

Бу эса, Республика Бош прокуроринин «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсади» мақоласида «Ота-оналар томонидан болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ мажбуриятлар етарли бажарилмаётганлиги, уларга салбий таъсир кўрсаётганлиги вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишининг сабабларидан бири бўлиб қолмоқда», дея келтирилган фикрларининг яна бир исботи бўлди.

Яқинда ана шу хайрли ишлар ижроси бўйича вилоят миқёсида «2008 йил — «Ёшлар йили» Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори талаблари асосида ўқувчиларни одобахлоқли, тежамкор бўлиш руҳида тарбиялаш, уларда бўш вақтдан унумли фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишда оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги самарадорлигини янада ошириш мавзуида ўқув семинари бўлиб ўтди.

Унда барча шаҳар ва туман прокурорлари, ҳоким ўринбосарлари, ХТБ мудирлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар масъул котиблари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлимлари раислари иштирок этдилар. Улар туманда амалга оширилаётган ибратли ишлар билан танишар эканлар, мазкур тажрибани вилоят миқёсида оммалаштириш масаласига алоҳида тўхталдилар.

Камолиддин ПАРПИЕВ,
Наманган вилояти прокуроринин катта ёрдамчиси



Саҳифамизда Сурхондарё вилоят прокуратураси


Ал Ҳаким ат-Термизий мақбараси.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Вилоят прокуратура органлари йилнинг дастлабки беш ойи давомида ўтказган 196 та текшириш натижасига кўра 5094 та прокурор назорати ҳужжати қўлланилди. Мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган 548 та ноқонуний ҳужжат протестлар асосида бекор қилиниб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 527 та тақдимнома орқали бартараф этилди. 2425 нафар мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 88 та жиноят иши қўзғатилди. Аниқланган моддий зарарнинг 938 млн. сўми ихтиёрий равишда қопланди. Судларга 357 млн. сўмлик 1312 та ариза киритилди.

Тергов ҳаракатлари олиб борилган 122 та жиноят иши бўйича 5 млрд. 442 млн. сўмлик зарар аниқланиб, шундан 4 млрд. 781 млн. сўми тергов жараёнида ундирилди.

Ўтказилган таҳлилларда айрим раҳбар ва масъул шахслар томонидан турли суиистеъмолликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, «Ипотекабанк»нинг вилоят филиали «Шеробод» кичик банки ходимлари кассада қолдиқ бўлиб турган 4,9 млн. сўм нақд пулни ўзлаштириб, талон-торож қилишган. Шунингдек, мижоз рухсатисиз икки ҳолатда жами 18,1 млн. сўмни асосли ҳужжатларсиз бухгалтерия баланси ҳисоб рақамига, апрель ойи иш ҳақи учун дея ўтказишган, бироқ иш ҳақи сифатида бермасдан ўзлари талон-торож қилишган ва бу билан мижоз — «Сурхон-Шеробод» бошқармасига жуда кўп миқдорда зарар етказишган.

Худди шу каби «Миллий банк»нинг Сариосиё филиали мутасаддилари «Сариосиё» МЧЖ ва 17-ўрта мактаб масъул ходимлари билан ўзаро келишган ҳолда жами 6 млн. 50 минг сўмга чек ёзиб, банк томонидан таъминланмаган маблағни иш ҳақи учун берилган деб расмийлаштиришган ва бу билан давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказишган.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича вилоят прокуратураси томонидан жиноят ишлари қўзғатилди.

Мактаб келажак авлод таълим оладиган даргоҳ. Айрим виждонсиз кимсалар шу даргоҳни таъмирлашга ажратилган давлат маблағига ҳам чанг солганини кўриб, таассуф билдирасан киши. Хусусан, Денов туманидаги «Кайхурав-Рустам» МЧЖ Шарғун шаҳар 1-сонли мактаб-интернатда 1 млн. сўмлик таъмирлаш ишларини сифатсиз амалга оширганлиги, лойиҳада кўрсатилган 60 млн. сўмлик қурилиш ишларини бажармаганлиги, 2,9 млн. сўмлик ускуналар ўрни алмаштириб ўрнатилганлиги аниқланди.

Шаҳарларимиздаги ободончилик ишлари ҳам жамоатчилик манфаатларига хизмат қилади. Шу ишлар туфайли шаҳар чиройига чирой қўшилади. Лекин бунга ажратилган маблағ талон-торож қилинса-чи? Термиз шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ва «Ободончилик» очиқ турдаги акциядорлик жамияти мансабдор шахслари ўзаро жиноий тил бириктириб, номи кўрсатилмаган шаҳар кўчаларида пайдо бўлган чуқурчаларни ямаш ишларини бажариш учун дея 2 млн. 266 минг сўмлик асфальт қоришмасини сохта ҳужжатлар тузиш йўли билан чиқим қилиб юборишган. Шунингдек, бошқарма раҳбарлари томонидан бажарилган иш ҳажмини ортиқча кўрсатиш йўли билан 2 млн. 42 минг сўм талон-торож қилинган. Бундан ташқари, 44 та корхонанинг бажарилган иш ҳажми учун 352 млн. 853 минг сўмлик кредитор қарзлари тўланмасдан, муддати ўтказиб юборилган. Бошқарма раҳбар ва масъул мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Айрим давлат идораларининг ходимлари эса ўз зиммаларидаги вазифаларини бажаришга панжа орасидан қарашган. Баъзида уларнинг сохтакорликка йўл қўйишганига нима дейиш мумкин?

Хусусан, Сариосиё туман суд ижрочилари бўлими катта суд ижрочиси Б.Абдуллаев банкрот деб эътироф этилган 45 та хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан 716,2 млн. сўмлик боқиманда қарзни ундириш чорасини кўрмаган. Шунингдек, 23 та хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан 17,2 млн. сўмлик муддати ўтган боқиманда қарз туман ДСИ ҳисобига умуман ундирилмаган бўлса-да, Сариосиё тумани ДСИ бошлиғи М.Шаймардонов ва инспектор Б.Раҳмонов қарз ундирилгани ҳақида сохта ҳужжат тайёрлашган, шу асосда ижро ишини тамомлаш ҳақида ғайриқонуний қарорлар қабул қилинган. Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Вилоят прокуратураси томонидан Президентимизнинг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан мунтазам назорат тадбирлари амалга оширилмоқда. Асосий эътибор пахта ва ғалла экиладиган майдонлар мониторингини ўтказиб бориш, ер ажратишдаги суиистеъмолликларнинг олдини олиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлатишда хўжасизликларнинг олдини олиш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилаётир. Йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 74 та текшириш ва мониторинглар натижасига кўра 3582 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган.

Музработ туман давлат ветеринария бўлими бошлиғи Қ.Поёнов ҳамда участка мудирлари М.Алимов, В.Ҳасанов, Ў.Саидов, А.Яхшибоевлар 3000 дона «Яшур» вакцинасини гўё молларга эмлангани ҳақида далолатнома тузишиб, чиқим қилишган. Натижада 2 млн. 412 минг сўмлик давлат маблағи талон-торож қилинган.

Айрим фермер хўжалиги раҳбарлари унумдор ерларни таниш-билишлари ва қариндош-уруғларига ғайриқонуний равишда бериб юборганлар. Жумладан, Бандихон туманидаги «Тадбиркор» фермер хўжалиги бошлиғи Х.Давлатов 2,11 гектар майдонни ғайриқонуний тарзда сотиб юборган.

Жарқўрғон туманидаги «Пасурхи» фермер хўжалиги бошлиғи Й.Бўриев «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» вилоят филиали билан шартномага мувофиқ етти йил давомида тўлаш шарти билан лизинг қиймати 6 млн. 23 минг сўм бўлган тракторни сотиб олгани ҳолда тўловларни амалга оширмасдан, шартнома шартларини бузиб, фуқаро А.Аҳмедовга сотган.

Юқорида келтирилган барча ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қонун устуворлигини таъминлаш жамият тараққиётининг бош омилидир. Вилоят прокуратура органларининг асосий вазифаси келгусида ҳам вилоят ҳудудида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлади.

Қонун устуворлиги – асосий вазифамиз

Оналик ва болаликни ҳуқуқий, ижтимоий муҳофаза қилиш, оила фаровонлигини ва аёлларнинг ижтимоий ҳамда моддий аҳволини яхшилаш, болаларнинг тўлиқ таъминотини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — ИНСОНПАРВАРЛИК РАМЗИ

Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда ёш авлодни тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда ва болаларнинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш мақсадида 1994 йил 16 июнда «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 1994 йил 22 августда «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Фармонлари қабул қилинганди.

Узун туман прокуратураси томонидан ушбу фармонларнинг ижроси юзасидан мунтазам равишда текширишлар ўтказиб келинмоқда.

Маълумотларга кўра 2007 йил давомида 18 ёшга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинланиши бўйича 10 мингдан ортиқ аризалар рўйхатга олиниб, шундан 10 минг 368 таси қаноатлантирилган. Шунингдек, 2 ёшгача бўлган болалар парвариши билан банд бўлган оналардан маҳалла фуқаролар йиғинларига тушган аризадан 3 минг 665 таси бўйича нафақа тайинланиб, 1 млрд. 163 млн. 18 минг сўм тўланган.

Шу каби ўтган йилда кам таъминланган оилалардан моддий ёрдам берилиши бўйича 1 минг 160 та тушган мурожаатларга биноан 78 млн. 95 минг сўм моддий ёрдам берилган.

Ҳар ойда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва нафақалар тарзида тўланадиган маблағлар туман молия бўлими томонидан молиялаштирилиб, тўлов тўланадиган ойнинг 1 санасидан бошлаб шу ойнинг 15 ва 25 саналаридан кечикмаган ҳолда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ДТ «Халқ банки» туман бўлимида очилган махсус ҳисоб рақамларига ўтказиб берилиши таъминланмоқда.

Бироқ, мазкур масалаларда айрим жойларда қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди.

Хусусан, «Узун пахта» ОТҲЖ ишчиси Е.Новикованинг 2 ёшгача бола тарбиялаш нафақаси 2008 йилнинг 1 март ҳолатига кўра 300 минг сўм, Н.Ҳамидовага эса 35,2 минг сўм тўланмаган. Туман прокуратураси томонидан уларнинг манфаатларини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Сариосиё туманлараро судига даъво аризалари киритилди.

Бундан ташқари, туман прокуратурасининг аралашуви билан маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ноқонуний тўланган нафақаларнинг бюджетга қайтарилиши таъминланди. Юқорида қайд этилган ва текшириш жараёнида аниқланган бошқа қатор қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тегишли прокурор таъсир чоралари кўрилди. Ушбу йўналишда назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

Баҳриддин ЭРГАШЕВ,
Узун туман прокурори

«Алпомиш» ҳайкали.

Ҳафталик теледастурлар

Ниқоб TV

2008-yil 19-iyun, № 25 (598)

Моҳият

Ҳар қандай вазиятда ҳам виждонан иш тутмаган одамга ҳеч нарсада ишонма.

Л.СТЕРН

TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури

23-iyun, Dushanba

07.00, 10.20, 14.00, 18.00 Ўзбек наволари
08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ» 163-серия
08.30, 17.00 Мировые хиты
09.30 Т/с «Соф муҳаббат» 15-с
11.00 Prime time (рус)
11.30 Х/ф «Человек-паук-3»
14.30 «Премьера» (рус)
15.30 Мультфильм
17.30 «Кинокурьер»
18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ» 164-серия
19.00 Т/с «Соф муҳаббат» 16-серия
19.50 Ўзбек наволари
20.30 «Топ-10»
21.05 Ўзбек наволари
21.30 Сериал «24 часа»
22.20 Комедия «Иван Васильевич меняет профессию»
00.05 Миксер

24-iyun, Seshanba

07.00, 08.30, 10.20, 13.20, 18.00 Ўзбек наволари
08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ» 164-серия
09.30 Т/с «Соф муҳаббат» 17-серия
11.00 Мировые хиты
11.30 Х/ф «Иван Васильевич меняет профессию»
14.00 Мировые хиты
14.30 «Кинокурьер»
15.30 Мультфильм
17.00 «Baby Terra Landiya»
17.30 «Премьера» (ўзб)
18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ» 165-серия
19.00 Т/с «Соф муҳаббат» 17-серия
19.50 Ўзбек наволари
21.00 Мировые хиты
21.30 Сериал «24 часа»
22.20-01.00 Х/ф «Прямая и явная угроза»

25-iyun, Chorshanba

07.00, 08.30, 10.20, 14.10 Ўзбек наволари
08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ» 165-серия
09.30 Т/с «Соф муҳаббат» 17-серия
11.00 Мировые хиты
11.30 Х/ф «Прямая и явная угроза»
14.30 «Jannat Makon»
15.30 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
17.30 «Топ-10»
18.05 Ўзбек наволари
18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ» 166-серия
19.00 Т/с «Соф муҳаббат» 18-серия
19.50 Ўзбек наволари
21.00 Мировые хиты
21.30 Сериал «24 часа»
22.20 Киноколлекция: «Самурай»
00.20 Миксер

26-iyun, Payshanba

07.00, 08.30, 10.20, 13.25 Ўзбек наволари
08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ» 166-серия
09.30 Т/с «Соф муҳаббат» 18-серия
11.00 Мировые хиты
11.30 Х/ф «Самурай»
14.30 «Премьера» (ўзб)
15.30 Мультфильм
17.00 «Baby Terra Landiya»
17.30 Ўзбек наволари
18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ» 167-серия
19.00 Т/с «Соф муҳаббат» 19-серия
19.50 Ўзбек наволари
20.30 «Спец репортаж»
21.00 Ўзбек наволари
21.30 Сериал «24 часа»
22.20 Х/ф «Невидимка-2»
00.05 Миксер

27-iyun, Juma

07.00, 08.30, 10.20, 13.20 Ўзбек наволари
08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ» 167-серия
09.30 Т/с «Соф муҳаббат» 19-серия
11.00 Мировые хиты
11.30 Х/ф «Невидимка-2»
15.30 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
17.30 «Премьера» (рус)
18.00 Ўзбек наволари
18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ» 168-серия
19.00 Т/с «Соф муҳаббат» 20-серия
19.50 Ўзбек наволари
20.30 «Тўнлар муборак»
21.30 Сериал «24 часа»
22.20 Х/ф «Скорость»
00.35 Миксер

28-iyun, Shanba

07.00, 11.40 Ўзбек наволари
08.30 Мировые хиты
09.30 Х/ф «Скорость»
12.00 Baby hits
12.30 Мультфильм
14.30 «Топ-10»
15.05 Узбек наволари
16.00 Х/ф «Царь скорпионов»
18.00 Prime time (ўзб)
18.20 Ўзбек наволари
19.00 «Топ-10» Гала- концерти
21.30 «Премьера» (ўзб)
22.00 Блокбастер «Оружейный Барон»
00.20-02.00 Другая музыка

29-iyun, Yakshanba

07.00, 16.40, 19.00 Ўзбек наволари
08.30, 18.20, 20.05 Мировые хиты
09.00 Prime time (ўзб)
09.30 Х/ф «Оружейный барон»
12.00 «Baby Terra Landiya»
12.30 Мультфильм
14.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ» 164-168 сериялар
17.30 «Спец репортаж»
18.00 Prime time (рус)
19.30 «Звездопад»
20.30 «Кинокурьер»
21.00 Ўзбек наволари
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 Блокбастер «Халк»
00.30 Миксер

Kamalak канали ҳафталик дастури

23-iyun, Dushanba

12.00, 14.00 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Джими Нейтрон вундеркинд»
14.20 Х/ф «Варвара краса, длинная коса»
15.50 Мультфильм
16.10 Музыкальная дорожка
16.50 Х/ф «Оптом дешевле»
18.30 Музыкальная дорожка
19.10 Х/ф «13 район»
20.30 Музыкальная дорожка
21.10 Х/ф «Призрак оперы»

24-iyun, Seshanba

12.00, 14.00 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Карлик нос»
14.20 Х/ф «1001 ночь» 1-серия
15.50 Мультфильм
16.10 Музыкальная дорожка
16.50 Х/ф «Крошка Ханей»
18.25 Музыкальная дорожка
19.05 Х/ф «История золушки»
20.40 Музыкальная дорожка
21.20 Х/ф «Танцующая в темноте»

25-iyun, Chorshanba

12.00, 14.00 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Подводная братва»
14.20 Х/ф «1001 ночь» 2-серия
15.50 Мультфильм
16.10 Музыкальная дорожка
16.50 Х/ф «Лысый нянька»
18.25 Музыкальная дорожка
19.05 Х/ф «Робокоп»
20.50 Музыкальная дорожка
21.30 Х/ф «Угнать за 60 секунд»

26-iyun, Payshanba

12.00, 14.00 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Русалочка»
14.20 Х/ф «Царевич Проша»
15.45 Мультфильм
16.05 Музыкальная дорожка
16.45 Х/ф «В джазе только девушки»
18.45 Музыкальная дорожка
19.25 Х/ф «Командир эскадрильи»
21.05 Музыкальная дорожка
21.45 Кино ХИТ «Столкновение с бездной»

27-iyun, Juma

12.00, 14.05 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Роботы»
14.25 Х/ф «Аленький цветочек»
15.30 Мультфильм
15.50 Музыкальная дорожка
16.30 Х/ф «Гуру»
18.00 Музыкальная дорожка
18.40 Х/ф «Спецназ»
20.40 Музыкальная дорожка
21.20 Большое кино «Вертикальный предел»

28-iyun, Shanba

10.00, 11.35 Клип минутка
10.20 М/ф «Спящая красавица»
11.55 М/ф «Вук»
13.00 Рейтинговый фильм
14.20 Кино ХИТ «Столкновение с бездной»
16.20 Музыкальная дорожка
17.00 Х/ф «Горячие головы 2»
18.20 Музыкальная дорожка
19.00 Х/ф «Красная жара»
20.45 Музыкальная дорожка
21.25 Х/ф «Дар»

29-iyun, Yakshanba

10.00, 11.30 Клип минутка
10.20 М/ф «Иосиф царь сновидений»
11.50 М/ф «Бемби»
12.55 Рейтинговый фильм
14.40 Большое кино «Вертикальный предел»
16.40 Музыкальная дорожка
17.20 Х/ф «Спасите Грейс»
18.50 Музыкальная дорожка
19.30 Х/ф «Тот самый человек»
21.00 Музыкальная дорожка
21.40 Видеобитва:
1. Послезавтра
2. Рембо 4
3. 21 очко

23-IYUN Dushanba

O`ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 13.00, 22.55 «Иклим».
7.05, 21.15 Т/с **«Икки тақдир».**
7.45 «Дилхуш наволар».
8.00-8.45 **«Таҳлилнома».**
8.45, 13.05, 14.15, 16.30, 17.10, 18.45, 20.00, 23.10 ТВ анонс.
8.50, 13.50, 17.15, 20.05 «Олтин мерос».
8.55, 18.00 «Изҳор».
9.00, 16.10 «Икки дарё оралиғида».
«Болалар сайёраси»:
9.20 «Болалар дунёси».
9.35 М/с «Олтин шаҳар излаб».
11.00, 14.00, 17.00, 21.00 **«Ахборот».**
11.10 «Ватанпарвар».
13.10 «Ҳамон ёдимда...»
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Сув ости экспедицияси».
15.10 Б/ф **«Ёдгор».**
16.35 «Бир кун».
17.20 «Ҳаёт ва қонун».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.05 «Сизнинг адвокатингиз».
18.10 Т/с **«Лафз».**
18.50 «Рангин дунё».
19.10 «ТВ шифокор».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот».** /рус/.
20.15 Т/с **«Ҳаёт синовлари».**
21.35 «Парламент вақти».
21.55 Т/с **«Сўнгги қиролича».**
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.55-00.05 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
00.05 Кўрсатувлар дастури.
00.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбегим ҳаёти».
00.40 «Рангин дунё».
01.00 **«Ахборот».** /рус/.
01.30 ТВ анонс.
01.35 «Ватанпарвар».
02.25 «Чемпион».
02.45 Б/ф **«Тангалик болалар».**
04.00 **«Ахборот».**
04.30 «Минг бир ривоят».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Икки дарё оралиғида».
05.05 Т/с **«Лафз».**
05.40-05.55 Тонгги наволар.

Yoshlar

14.55 «Ватаним менинг!»
15.00 «Келажак овози».
15.10 «Болалик орзуси».
15.35 «Ёшлик баёзи».
15.45 «Келажак эгалари».
15.55 «Улуғ неъмат».
16.00 «Давр».
16.10 Т/с **«Июнь оқшоми».**
17.55 «Тафаккур чироғи».
18.00 «Мулки мумтоз».
18.10 «Yoshlar» анкетаси.
18.15 Т/с **«Анжелика».**
18.50, 21.05 «UzEX хабарлари».
18.55 «Ардоқ».
19.00, 22.00 «Давр».
19.30 Т/с **«Июнь оқшоми».**
20.10 «Ўғлонлар».
20.15 «Зулфия издошлари».
20.25 «Узумзорлар оралаб».
20.30 «ТВ-банк».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Тошкент-2200».
21.10 Т/с **«Жумонг».**
21.55 «О, ёшлигим!»
22.30 «Тошкент чироқлари».
22.35 «SMS-мусиқа».
23.00 Т/с **«Ҳаёт-мамот».**
23.45 «Юрт тинчлиги».

TOSHKENT

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 М/ф «Леопольднинг саргузаштлари». 5-қисм.
18.05, 21.50 «Телекурьер - маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт».
18.45, 21.25 «Анонс».
18.50 Т/с «Эсмеральда».
19.20 «ТВ юрист».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг» /рус/.
20.00 «Пойтахт» /рус/.
20.15 «ТВ юрист» /рус/.
20.20 Т/с «Милагрос».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» /рус/.
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50-00.35 Х/ф **«Шальные деньги».**

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.25 «Малахов +».
9.30 «Версия».
10.00 Т/с «**Татьянин день**».
11.30 «Мониторинг».
11.50-13.30 Футбол. Европа чемпионати. 1/4 финал.

* * *

18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Олимпия югуриш куни».
18.30 «Хабарлар» (рус.)
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Футбол шарҳи».
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 Теннис. Уимблдон турнири.
21.30 «Хабарлар» (ўзб.)
21.50 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш учрашуви.
23.30 Ретро-комедия: **«Роман по-итальянски».**
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

1

04.00, 08.05 «Доброе утро»
08.00, 11.00, 14.00 Новости
08.25 «Малахов +»
09.25 «Модный приговор»
10.25 «Контрольная закупка»
11.30 Т/с «Агент национальной безопасности»
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.20 «Понять. Простить»
14.15 «Взрыв на линкоре»
15.00 Т/с «Огонь любви»
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости
17.20 Жди меня
18.10 «След»
19.00 Т/с «Принцесса цирка»
20.00, 02.00 «Время»
20.30 Т/с «Морозов»
21.30 «Подпольное искусство. Бульдозерный передел»
22.15 Ночные новости
22.35 «На ночь глядя»
23.20 Дневник XXX Московского международного кинофестиваля
23.30 Выпускной бал. Прямая трансляция из Кремля
00.50 «Гении и злодеи»
01.20, 02.30 Х/ф «В поисках галактики»

РОССИЯ

Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги арафасида Сурхон воҳасида Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг ишга туширилганига ҳаммамиз гувоҳ бўлган эдик. Асримиз мўъжизаси дейишга арзигулик бу қурилишнинг аҳамиятини, мамлакатимиз, энг аввало, вилоятимизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти учун нақадар катта ўрин тутишини воҳамиз аҳли ҳаммадан кўра яхшироқ англайди ва қадрлайди. Зеро, ота-боболаримиз «Йўл қурганнинг йўли очиқ» деб бежиз айтишмаган.

Бундан ўн беш-йигирма йил илгари юртимизда мана шундай ўта мураккаб ва йирик лойиҳани амалга оширишни хаёл қилишнинг ўзи ҳам қийин эди. 223 километрдан иборат бўлган темир йўл қисқа давр ичида, ҳаммаси бўлиб 33 ойда, муддатидан икки йил олдин ишга туширилди. Бир сўз билан айтганда, бу улкан иншоот халқимиз куч-қудрати нималарга қодир эканини яна бир бор намоён этди. Денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда, қаттиқ қоя ва тошлардан иборат тоғли ҳудудлар бўйлаб, ёзнинг жазирама иссиғи, гармселлари, қишнинг изғирин шамоллари остида темир йўл излари ётқизилди.

Амалга оширилган бу лойиҳа кўп асрлар давомида мудраб ётган тоғлар орасидан кесиб ўтиб, Сурхондарёнинг четда қолиб келаётган бой ер ости минерал ресурсларини, нефть ва газ, рангли металл, кўмир ва калий тузи, қурилиш материаллари ва бошқа сифатли, қимматбаҳо фойдали қазилмаларини ўзлаштириш учун катта имкониятларни очиб берди. Бу йўл Ўзбекистоннинг чет давлатларга, яқин келажакда тўғридан-тўғри Ҳинд океани портларига чиқиш ва экспорт имкониятини, юртимизнинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини кескин оширади.

Ватан остонадан бошланади, дейишади. Кўнгилнинг ободлиги, аввало, уйнинг ободлиги туфайлидир. Ўзим истиқомат қилаётган «Хайробод» қўрғони марказида яқинда «Хотира хиёбони» барпо этилди. Денов туманида 132 нафар Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиси яшайди. Кексаларни эъзозлаш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз. Бу эзгу туйғуни ёшлар онгига ҳам сингдиришимиз зарур.

Ҳамза МАҲКАМОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКнинг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти

Жарқўрғон туманида 162 мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Меҳнатга лаёқатли кишилар эса салкам 74 минг нафарни ташкил этади. Туман прокуратураси ташаббуси ва бевосита қўмагида туманда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун, Меҳнат кодекси ва меҳнатга оид меъёрий ҳужжатлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Туман бандликка кўмаклашиш маркази ҳар ойда касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ва ташкил этилаётган янги иш ўринлари ҳақидаги ахборотни коллеж битирувчиларига етказиб бораяпти.

131 киши ишли бўлди

Яқинда бандликка кўмаклашиш маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркада тумандаги 34 та корхона ва ташкилот, фермер хўжалиги ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзларида мавжуд 225 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Натижада иш қўраб мурожаат этган фуқаролардан 131 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг 48 нафарини ёшлар, 50 нафарини эса аёллар ташкил этади. Бир нафар жазони ўташ жойидан озод этилган фуқаро ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

Ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлиш инсоннинг ўзлигини англашида энг биринчи омилдир. Шундай экан, бўш иш ўринлари ярмаркаларини тез-тез ўтказиб туриш шундай ниятда юрганларнинг кўнгилларига малҳам бўлади. Қатрада қуёш акс этганидек, бу ишларнинг ҳар бирида эзгулик кўлами ва моҳияти намоён бўлади.

Шунингдек, ҳамиша долзарб ҳисобланиб келинаётган иш ҳақлари ўз вақтида тўланишини таъминлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 март кунги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси учун хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари масъул эканликлари ҳукумат қарорларида аниқ белгилаб берилган бўлишига қарамасдан, айрим раҳбарлар томонидан масъулиятсизликка йўл қўйилмоқда. Бу эса фуқаролар манфаатига моддий зарар етказади. Астойдил қилинган меҳнат учун ҳақ вақтида тўланмаса, ҳатто бир неча ойлаб пайсалга солинса, бундан ўша инсоннинг руҳи тушиб, иш самарадорлиги кескин пасайиб кетмайдими?

Хусусан, «Жарқўрғонпахта» ОТҲЖда 52,6 млн. сўмлик иш ҳақи тўланмай, муддати ўтишига йўл қўйилган.

Меҳнат кодексининг 161-моддасида иш ҳақи ҳар ярим ойда камида бир мартадан тўланиши белгилаб қўйилган бўлишига қарамасдан, қонуннинг бу талаби ҳам бажарилмаган.

Текшириш натижасига кўра, «Жарқўрғонпахта» ОТҲЖда фаолият кўрсатаётган 684 нафар ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини ундириб бериш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, фуқароларнинг ижтимоий муҳофазаси, ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимояси ҳамиша прокуратура назорати фаолиятининг асоси бўлиб қолади.

Ражабали АБДУЛЛАЕВ,
Жарқўрғон туман прокурори

Суратда: *туман прокурорининг ўринбосари Ш.Сафаров меҳнат ярмаркаси иштирокчилари билан.*

«Истиқболли авлод»нинг истиқболи

Мамлакатимизда ёшларга жуда катта эътибор қаратилаётир. 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинганлиги ҳам бунинг ёрқин исботидир. Айни чоғда ёшларнинг муаммолари-ю истаклари, фикрларини ўрганувчи ташкилотлар пайдо бўлди. Шулардан бири «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат марказидир. Биз ушбу марказ фаолияти билан яқинроқ танишиш мақсадида унинг фаоллари Фаррух ЧОРИЕВ ва Саврия МЎМИНОВАлар билан суҳбат уюштирдик.

— Саврия, марказ ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсангиз.

— «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази ёшларни бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бўлган инсон савдоси қурбони бўлишининг олдини олиш, уларнинг ёрдамга муҳтож қисмига кўмак бериш ҳамда инсон савдоси қурбони бўлганларни ватанга қайтариш, бундан ташқари, гиёҳвандлик ва ОИТС касаллигининг олдини олиш каби қатор масалалар билан шуғулланади.

— Фаррух, сиз марказ қошидаги «Ёшлар маркази»ни бошқарасиз. Шу ҳақда тўхталиб ўтсангиз?

— «Ёшлар маркази» «Истиқболли авлод» Ёшлар ахборот-маърифат маркази қошида 2006 йил сентябрь ойида ташкил этилган. Марказ вилоят прокуратураси, ИИБ, Халқ таълими бошқармаси, Олий ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Термиз шаҳар ҳокимлиги ва бошқа давлат ташкилотлари билан келишувга асосан фаолият юритмоқда. Мақсадимиз 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун керакли билим ва кўникмалар ҳосил қилишдир. Марказимизда ҳозирги кунда 15 нафар тренер иш олиб бормоқда. Улар 2006 йил август ойида ОИВ-ОИТС ва гиёҳвандлик оқибатлари тўғрисида тенгдошларига маълумот бериш бўйича тренингда қатнашиб, сертификатга эга бўлишди.

Маҳаллалардан ушбу семинарларда 22174 нафар 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшларнинг иштирок этганлиги қувонарли ҳол, албатта. Семинарларнинг аксарият мавзуси ёшларни гиёҳвандлик ва ОИТСнинг оғир оқибатларидан хабардор этишдир.

Қолаверса, вилоят прокуратураси ташаббуси билан таълим муассасаларида, маҳаллаларда инсон савдосининг олдини олишга қаратилган қонунлар мазмун-моҳияти хусусида тадбирлар уюштирдик. 10 июнь куни «Истиқболли авлод» марказида вилоят прокуратураси ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда ОАВ иштирокида бўлиб ўтган семинар-тренинг ҳам фикримизни исботлайди.

— Саврия, сиз асосан инсон савдоси билан боғлиқ масалалар билан шуғулланасиз. Ушбу муаммо билан боғлиқ ишлар натижаси ҳақида нима дея оласиз.

— «Истиқболли авлод» маркази 2003 йил ташкил топган бўлса, то шу кунгача инсон савдоси масалалари юзасидан 10 минг 552 та мурожаат бўлди. Шулардан 80 фоизи Россия ва Қозоғистонга бориб инсон савдоси қурбони бўлганларнинг телефон қўнғироқларидир. Инсон савдоси қурбони бўлган шахсларга қуйидаги йўналишлар бўйича ёрдам кўрсатилди:

— ҳуқуқий ёрдам бериш(2003-2007 йилларда 27 шахсга ўз ҳуқуқларини тиклашда кўмак берилди);

— ҳужжатлар тиклаб бериш(2003-2007 йилларда 8 ҳолатда);

— ишга жойлаштириш;

— тиббий ёрдам кўрсатиш.

— Барча безориликлар, жиноятлар бекорчиликдан келиб чиқади, деган фикрга қандай қарайсизлар?

Фаррух: — Дарҳақиқат, фойдали меҳнат билан шуғулланган кишида ортиқча нарсалар ҳақида ўйлашга вақт бўлмайди. Шунинг учун ҳам марказимизда ёшлар бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун тарих, инглиз тили, рус тили, математика, компьютер сабоқлари каби фан тўгараклари ишлаб турибди.

Саврия: — Бўш қолгач инсон хаёлида ҳар хил фикрлар айлана бошлайди. Агар у иродасиз бўлса, ёвуз фикр доирасига тушиб қолиши мумкин. Иродани мустаҳкам қиладиган нарса спортдир. Шунинг учун ҳам марказимизда шахмат, футбол, стол тенниси, баскетбол каби спорт тўгараклари ташкил қилинган. Бу ишларнинг энг эътиборли жиҳати фан тўгараклари ҳам, спорт тўгараклари ҳам бепул хизмат кўрсатади. Айни чоғда 100 нафардан ортиқ ёшлар билим олиш ва спорт билан шуғулланишмоқда.

— Марказнинг келажакдаги режалари қандай?

— 2007 йил охирида «Ёшлар маркази» Ўрта Осиё «ОИТСни назорат қилиш лойиҳаси» танловида ўзининг «Биз ёшлар соғлом турмуш тарзи тарафдори» номли лойиҳаси билан қатнашиб, ғолиб бўлди. Жорий йилда шу лойиҳа асосида бир қанча амалий ишлар, тадбирлар ўтказилди. Марказ эса ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни давом эттирмоқда.

Қолаверса, «Ёшлар йили» давлат дастури бўйича ўз режаларимизни ишлаб чиқдик.

Мақсадимиз бошқа танловларда ҳам ғолибликни қўлга киритиб, ёшларнинг интеллектуал ва жисмоний салоҳиятини оширишдир.

Суҳбатдош:
Саида ЭШМЎМИНОВА

Ҳуқуқ тарғиботи ва ҳуқуқий ёрдам

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтаётган мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдек катта масъулият прокуратура органлари зиммасига юклатилганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Термиз шаҳар прокуратураси ҳам ушбу масъулиятни тўлиқ англаган ҳолда, самарали иш олиб бормоқда. Жумладан, Термиз шаҳрида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш ҳамда аҳоли ўртасида ҳуқуқ-тарғиботини олиб бориш борасидаги чора-тадбирлар дастурининг ишлаб чиқилганлиги ҳам бунинг яққол исботидир.

Дастурнинг муҳим жиҳати шундаки, шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган ярашув комиссиялари фаолиятини ўрганиб, уларга ҳуқуқий ёрдам ва амалий тавсиялар бериб бориш, шаҳар ҳудудида касаначилик ишини кенг ривожлантириш, янги очилган иш ўринларига ишсиз фуқароларни жалб қилинишини таъминлаш, маҳалла фуқаролар йиғинларида «Ижтимоий психологик ёрдам» марказларини ташкил этиш алоҳида белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, фуқароларнинг мурожаатлари бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, фуқаро Д.Раҳмонованинг иш ҳақини ололмаётганлиги ҳақидаги аризаси ўрганиб чиқилиб, унинг иш ҳақлари ундириб берилди. Фуқаро М.Муҳиддинованинг собиқ турмуш ўртоғидан алимент пулларини ундириб бериш ҳақидаги аризаси ҳам ўрганиб чиқилиб, қаноатлантирилди.

2008 йилнинг ўтган даврида қонунлар ижроси юзасидан назорат тартибида 15 та текшириш ўтказилиб, ташкилот, корхона ва муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқарилган 42 та ноқонуний ҳужжатларга нисбатан протестлар киритилиб, бекор қилинди ва қонунга мувофиқлаштирилди.

Қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан жойларга 31 та тақдимнома киритилди.

Қонунбузарликларга йўл қўймаслик ҳақида 64 нафар шахс огоҳлантирилиб, прокурорнинг тақдимнома ва қарорлари асосида 63 нафар шахс интизомий, 72 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди ҳамда қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қўзғатилган 12 та жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилиб, қонуний тўхтамга келинди.

Прокуратура аралашуви билан 255 млн. 790 минг сўмлик етказилган зарар ихтиёрий равишда ундирилди ҳамда судларга 76 млн. 974 минг сўмлик 226 та даъво аризалари киритилди.

Тўғри, ҳали ечилиши лозим бўлган муаммолар анчагина. Бироқ, кенг маънода оладиган бўлсак, эришилаётган ютуқлар қилинаётган ишларнинг бесамар эмаслигини кўрсатади.

Абрамат БОЛТАЕВ,
Термиз шаҳар прокурори

ҚОТИЛНИНГ ШЕРИГИ

Тўққиз йилдан кейин суднинг қора курсисига ўтқазилди

Бу воқеа 1999 йил ёзида рўй берди. Александр Милютин никоҳсиз яшаётган Елена Алобинага тегишли, шаҳар чеккасидаги чўчқа фермасида иш бошқарувчи эди. Фермада ем ўғирланаётганини пайқаб қолиб, аввалига чўчқабоқар Александр Фомичевни ишдан ҳайдади. У мен ўғирлаганим йўқ, дея ўзини оқлагандан сўнг тағин ишга қайтариб олмоқчи бўлиб юрган кунларнинг бирида, аниқроғи 28 июнь куни шаҳар четидаги дачасига бошлаб борди. Икки оғайни таниш қизларни ҳам ўзлари билан олиб кетишди. Дачада ароқ ичиб, маишат қилганларидан сўнг иш тўғрисида гап очилганида А. Фомичев емни Александр Козловдан бошқа одам ўғирлаб сотмайди, дея ишонтиришга тиришди. А.Милютин ундан шубҳаланиб бир неча бор дўппослаган, ҳайдаб юбориб, иш ҳақини бермаётган эди. Маишатдан сўнг шаҳарга қайтаётиб чўчқа фермасига бурилишди. А.Милютин ишчи Сергей Тирновга «биз билан кетасан, мен мастман, машинани миниб оласан» деб буюрди. Йўл-йўлакай А.Фомичев фермадаги ўғирлик тўғрисида яна сўз очди-да:

— «Разбор» қилиб, унинг таъзирини бериш керак, — дея бошқарувчини гиж-гижлай бошлади. Аёлларни йўлда тушириб, Козловникига йўл олишди. Қиргули мавзеси, Тургенев кўчасидаги 156 рақамли кўп қаватли турар-жой биноси олдида машинани тўхатишди.

А.Козлов меҳмонларнинг важоҳатларини кўрибоқ эшикни беркитиб олмоқчи бўлди-ю, улгурмади. С.Тирнов уни деворга тираб, шерикларини йўлакка киргизди. Меҳмонхонада А.Милютин билан А.Фомичев телевизорнинг овозини баландлатиб, уй эгасига ташланишди. Унинг «Мен ем ўғирлаганим йўқ, урманглар» деб ялинишига қарамай роса дўппослашди.

— Бир ёқли қилиш керак буни.

А.Фомичевнинг бу гапидан А.Милютин яна жазавага минди. У қўлига тушган вазани мезбонга отган эди, ваза деворга урилиб, синиқлари полга сочилди. Энди А.Милютин вазанинг синган бўлагини А.Козловнинг бўйнига санчди. Тизиллаб қон отилди. Бўйнини чангаллаб балкон тарафга қочган уй эгаси эшик ёнига йиқилди.

— Мен коридорда тургандим, — деди ўша пайтда, 1999 йили қотиллик содир этилганидан бир неча кун ўтиб ушланган М.Тирнов. — Александрни иккаласи дўппослади. А.Милютин вазанинг синган бўлагини бўйнига санчди. Кейин иккаласи квартирадаги бармоқ изларини артиб ташлашди...

М.Тирновнинг ҳибсга олинганини эшитган А.Фомичев билан А.Милютин дарҳол яширинишди. Қирғизистонда яшириниб юрган А.Милютин беш ойдан кейин қўлга олинди. Даставвал у А.Тирновни қотил деб кўрсатди. Аммо далиллар эътирозга ўрин қолдирмади.

Қотилликнинг иккинчи иштирокчиси А.Фомичев эса хотини ва икки боласини ташлаб, Россияга қочган эди. Шу ўринда мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ўртасида амал қилаётган, 1993 йил 22 январь куни имзоланган фуқаролик ва жиноят ишларида ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу Конвенцияга мувофиқ, жиноят содир этиб бошқа мамлакатга қочиб ўтган шахсни қидириш ва қўлга олиш, ҳибсга олинганидан кейин жиноятни содир этган мамлакат ҳуқуқ-тартибот органларига топшириш борасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ўзга мамлакатда яширинган фуқаро қилмиши учун албатта жавоб беришининг муқаррарлиги ушбу қотиллик жинояти мисолида ҳам яққол намоён бўлади.

А.Фомичевга нисбатан ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам қидирув эълон қилинган эди. Орадан тўққиз йил ўтиб, 2007 йил апрель ойида Ўзбекистон фуқароси, қотиллик жинояти бўйича қидирилаётган А.Фомичев Россиянинг Олтой ўлкасидаги Заринск шаҳрида қўлга олинди. У бозор маъмури лавозимида, содир этган оғир жиноятини ўзича унутилган деб хотиржам юрган экан. Фарғонада қолиб кетган оиласини ҳам унутаёзганди. У экстрадиция қилиниб келтирилгач, терговга ростмана кўрсатма бера бошлади.

— Ўшанда мен ҳам чўчқа фермасида ишлардим. Бир-иккита чўчқалар йўқолганини иш бошқарувчи Александр Милютин мендан кўриб, ишдан ҳайдади. Аслида мен ўғирлаганим йўқ. Чўчқабоқар Александр Козловнинг иши эди бу. Милютинга бир неча бор учраб, тўғрисини айтдим. Ниҳоят у менга ишонди. Мени шаҳар чеккасидаги дачасига таклиф қилди. Икки қиз билан маишат қилиб ўтирганимизда мен Александр Козлов билан «разбор» қилиб олайлик, дедим. Милютиннинг менга нисбатан шубҳа-гумонларини бутунлай тарқатиб юбориш учун юзма-юз гаплашиб олишга ундадим. Бироқ, уни ўлдириб қўяди, деб ўйламагандим...

А.Фомичев айбини енгиллаштиришни кўзлаб, гўё асл ўғри кимлигини аниқлаштириб олиш учунгина А.Козловнинг уйига бирга борганини таъкидласа-да, жиноий шериклари, дачада меҳмондорчиликда бўлган аёллар — Н.Ломакина ва О.Анисимоваларнинг дастлабки кўрсатмаларига кўра айнан у А.Малютинни А.Козловга қарши қайраб, ўлдиришга ундаган. «Ўлдирасанми, ё мен ўлдирайми» дея чўққа керосин сепган. Айнан унинг ана шу даъватидан кейин А.Малютин шиша вазани А.Козловга қарата отган.

Судда унинг айби тўла тасдиқланиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Бу юқорида тилга олинган Минск Конвенцияси амалда ишлаётганига биргина мисол. Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ҳуқуқ-тартибот органларининг жиноятларни фош этиш ҳамда қочиб яширинишга уринган жиноятчиларни тутиб, фуқаролиги қайси мамлакатга мансублиги ва қаерда жиноят содир этганига мувофиқ тарзда ўша давлатнинг ҳуқуқ-тартибот органларига топшириш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги жазонинг муқаррарлигини таъминлаяпти. Қўшни давлатда паноҳ топиши даргумонлигини кўриб-била туриб, жиноятга мойил шахсларни жиловлашнинг воситаларидан бири вазифасини ўтаяпти.

Расулжон МАТХАЛИҚОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори.
Аҳрор АСҚАРОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

«ХУСУСИЙЛАШТИРИШ»

Мамлакатимизда 1992 йилдан буён корхоналар ва объектларни хусусийлаштириш изчил ва босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Айни пайтда муҳим ва ҳал қилувчи жараён сифатида изчил давом эттирилаётгани хусусийлаштириш нафақат маҳаллий тадбиркорлар, балки хорижий инвесторларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ўз навбатида макроиқтисодий ва сиёсий барқарорликка, аҳоли эҳтиёжлари таъминланиши ва даромадининг кўпайишига хизмат қилаётир.

Аммо афсуски, мана шу жараённи ўз шахсий манфаатларини кўзлаб талқин қилаётганлар ҳам учраб турибди. 2004 йилдан буён Навоий вилоят Давлат мулкини бошқариш ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаб келган Фазлиддин Мирзаев ҳам хусусийлаштириш жараёнидан «давринг келди, сур бегим» қабилида фойдаланиб қолиш ниятида юрганлардан бўлиб чиқди.

Халқимизнинг «кишини синамоқ бўлсанг, мансаб бер» деган нақли бежизга айтилмаган экан. Навоий вилоят Давлат мулкини бошқариш ҳудудий бошқармаси бошлиғи лавозимида иш бошлаган Ф.Мирзаев аввалига рисоладагидай ишлаб, зиммасидаги вазифаларини уддалаб юрди. Бироқ жадал тус олган хусусийлаштириш жараёни, шакланиб келаётган мулкдорлар синфига қараб туриб ҳаловатини йўқотди.

2006 йилнинг кузи. Одатдаги иш кунларининг бирида у ўз муовини — Навоий вилоят Давлат мулкини бошқариш ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Акмал Эргашев ва бошқарманинг бўлим бошлиғи Баҳодир Примовни хизмат хонасига чақиртиради. А.Эргашев ва Б.Примовлар бошлиқ хонасига киргунида у ерда «Навоий универсал баҳолаш» МЧЖ директори А.Мирзақулов, ўша пайтда мазкур МЧЖда баҳоловчи-мутахассис вазифасида ишлаган Одил Аҳмедовлар нималарнидир муҳокама қилишаётган эди.

Маълум бўлишича, Ф.Мирзаев Навоий архитектура қурилиш назорати инспекциясига қарашли Марказий илмий синов лабораториясини ноқонуний равишда хусусийлаштиришни режалаштираётган экан. Бошлиқ рухсати билан даврага қўшилган муовин ва бўлим бошлиғи ҳам тузилаётган жиноий режага шерик бўлишади. Кейинроқ жиноий гуруҳ режасига Навоий вилоят Давлат архитектура қурилиш назорат инспекцияси бошлиғи М.Ҳотамов, Марказий илмий синов лабораториясининг бошлиғи А.Райимов, мазкур лаборатория бошлиғининг ўринбосари Ғ.Ҳусановлар ҳам бош қўшишади.

Шундан сўнг Ф.Мирзаев Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси 3-бандига, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июлдаги Қарори билан тасдиқланган «Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 3-бўлим 17-бандига зид равишда Марказий илмий синов лабораториясини давлат тасарруфидан чиқариш ва меҳнат жамоаси таъсисчилигида масъулияти чекланган жамиятга бериш ҳақида вилоят ҳокимига хат жўнатиб, давлат тасарруфидан чиқариш комиссиясини тузади. Ваҳоланки, у мазкур лаборатория стандартлаштириш ва метрология корхоналари таркибига киришини ва бундай корхоналарни хусусийлаштириш фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган қарорга асосан амалга оширилишини, шунингдек, Марказий лабораторияни давлат тасарруфидан чиқариш учун Республика Мулк қўмитасининг розилиги олиниши кераклигини жуда яхши билар эди. Аммо у бундай қилмади, ноқонуний буйруқ чиқариб, ҳамтовоқлари — А.Эргашев, Б.Примов, М.Ҳотамов, А.Райимовлардан иборат комиссия тузади ва уларга Марказий илмий-синов лабораториясининг нархини суньий равишда тушириш йўли билан давлат тасарруфидан чиқариш вазифасини топширади.

Комиссия аъзолари эса гўёки лабораториянинг 5 млн. 56 минг 382 сўмлик ускуналарини кўп йиллар фойдаланилгани боис яроқсиз ҳолга келганлиги ҳақида сохта далолатномалар билан лаборатория балансидан чиқаришади. Жиноий режага кўра, сохтакорликлари янадаям ишончлироқ чиқиши учун кейинроқ лаборатория бошлиғи А.Райимовнинг буйруғи билан мол-мулк хатлови ўтказилгани тўғрисида такроран сохта далолатнома тузилади. Сўнгра асосий воситалар баланс қиймати 33 минг 545,3 сўмни, кам баҳоли ва тез эскирувчи мол-мулклар қиймати 4 млн. 111 минг 398 сўмни ташкил қилгани ҳақидаги сохта маълумотларни кўрсатган ҳолда Марказий илмий синов лабораториясини давлат тасарруфидан чиқариб, меҳнат жамоасига масъулияти чекланган жамиятга айлантириб бериш тўғрисида вилоят Давлат мулкини бошқариш бошқармасига таклиф берилади. Вилоят Давлат мулкини бошқариш бошқармаси бошлиғи эса «қаҳрамонимиз» — Ф.Мирзаев эди.

Бунгача эса Ф.Мирзаевнинг ҳамтовоқлари — «Навоий универсал баҳолаш» МЧЖ директори А.Мирзақулов ва баҳоловчи О.Аҳмедовлар юқори ташкилотларнинг розилигисиз, аллақачон Марказий илмий синов лабораториясини хусусийлаштириш учун уни баҳолаб қўйишган эди.

«Навоий универсал баҳолаш» МЧЖ директори А.Мирзақулов қўлида баҳолаш соҳасида шаҳодатномаси бўлмай туриб, лаборатория бино ва иншоотлари, мулкини ўз билганича баҳолаб берган. Унинг бу соҳадаги маҳоратини кўрингки, лабораториянинг жами 137 млн. 873 минг 660 сўмлик молмулки ва биноларини 43 млн. 479 минг 810 сўмга баҳолаб хулоса берган. Бу билан у жиноий гуруҳ манфаатларини кўзлаб, 94 млн. 393 минг 850 сўмни «иқтисод» қилиб қолган. Баҳоловчи-мутахассис О.Аҳмедов ҳам кўзини чирт юмиб ана шу сохта ҳужжатга имзо қўйиб берган.

Шундан сўнг Ф.Мирзаев ана шу сохта ҳужжатлар асосида Марказий илмий синов лабораториясини давлат тасарруфидан чиқариб, унинг ўрнида ташкил қилинадиган МЧЖга хусусийлаштириб бериш ҳақида ноқонуний буйруқ чиқаради. Энди унинг олдида биргина вазифа — қандай бўлмасин ана шу мулкни қўлга киритиш қолган эди. Ф.Мирза-

Жиноий гуруҳ ўз кирдикорларини ҳар қанча яширишга уринишмасин, тергов жараёнида уларнинг барча жиноий қилмишлари фош қилиниб, айблов хулосаси билан судга юборилди.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг ҳукми билан уларнинг ҳар бири қонуний жазоларини олишди.

Эркин НАЗРУЛЛАЕВ,
Республика Бош прокуратураси АМИБ терговчиси

Коррупцияда айбланмоқда

Украина парламенти депутати Геннадий Москаль ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этиб, мамлакат Президенти Виктор Ющенко котибияти раҳбари Виктор Балоганинг хатти-ҳаракатларида коррупция аломатлари борйўқлигини текшириб беришни сўради. Бундай сўровномаларни у бош прокурор Александр Медведько ва ички ишлар вазири Юрий Луценкога ҳам жўнатди.

Хусусан, Москаль котибият раҳбари ва унинг оила аъзоларини ташиб юрувчи чартер авиарейслар кимнинг ҳисобидан тўланганлигини текшириб кўришни сўраган.

Маълумки, сал аввалроқ Украина ички ишлар вазири Юрий Луценкога нисбатан қўзғатилган жиноят иши катта шов-шувга сабаб бўлганди. Луценко мансабини суиистеъмол қилганликда айбланган, прокуратура вакилларининг таъкидлашича, вазир ноқонуний равишда давлат ҳисобидан авиаучишларни амалга оширган. Луценко барча айбловларни рад этиб, бундай ноқонуний ишлар Президент атрофидагилар, жумладан Виктор Балога томонидан қилинганлигини эштироф этди. Июнь бошида Киев туман суди Юрий Луценкога нисбатан қўзғатилган жиноят иши ноқонуний қўзғатилган деб топди. Эслатиш жоизки, Украинадаги турли партиялар вакиллари ўз вақтида Виктор Балогани коррупция ва порахўрликда айблаганди. 2008 йилнинг февралида Рададаги коммунистик партия депутати Спиридон Килинкаров Балога автомашина ва алкогол маҳсулотлар контрабандасига алоқадорлигини таъкидлаганди. Бироқ, бу айбловлар қонуний кучга эга бўлолмади, деб хабар қилади «ЛігаБізнесІнформ» ахборот агентлиги.

Ватанпарварликми ёки...



Ҳинд миллатига мансуб АҚШ фуқароси, 47 ёшли Парташарати Сударшан Ҳиндистоннинг баллистик ракеталар, ракета-ташувчилар ҳамда қирувчи самолётларни ишлаб чиқарувчи компанияларига ноқонуний равишда компьютер ускуналарини етказиб берганликда айбдор деб топилиб, 35 ой қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

«France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, «Cirrus Electronics» компаниясининг ижрочи директори 2002 йилдан 2006 йилгача содир этган барча жиноятларига иқрор бўлди. Маълум бўлишича, Парташарати Сударшан мижозларга Американинг йўналтириш тизимини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган деталларни етказиб турган. 1998 йилда ҳиндлар томонидан ядро қуроли синови амалга оширилганлик учун АҚШ томонидан Ҳиндистонга қўйилган санкцияларга кўра, Америка компанияларига айрим товар ва хизматлар турларини сотиш маън этилган. Ҳинд мудофаа вазирлиги корхоналарига маҳсулот етказиб бериш учун «Cirrus Electronics» компанияси АҚШнинг савдо вазирлигидан экспорт қилишга ҳуқуқ берувчи лицензия олиши керак эди.

Шунингдек, терговда аниқланишича, деталлар етказилиши «Cirrus Electronics» компаниясининг Сингапурдаги ваколатхонаси орқали амалга оширилган экан. Бу йўл билан Сударшан жанублари америкаликлар санкцияси остида бўлган ҳинд компаниялари билан савдо қилинганлиги ҳолатини яширишга ҳаракат қилган. Сотилган маҳсулотлар орасида иссиққа чидамли компьютер чиплари, конденсаторлар, яримўтказгичлар, токни тўғриловчи ва резисторлар бўлган. Жанубий Каролинада ҳибсга олинган Парташарати Сударшан 2008 йилнинг 13 мартида барча айбловларни тан олган. Мазкур жиноятни тергов қилишда савдо вазирлиги ходимларидан ташқари, ички хавфсизлик вазирлиги ва федерал тергов бюроси вакиллари ҳам иштирок этишган.

Эҳтиёт бўлинг, журналистлар!

«Хартия 97» ахборот агентлигининг хабар беришича, Белорус миллий йиғилиши палатаси вакиллари биринчи ўқишдаёқ «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги янги қонунни қабул қилдилар. Қонун маъқулланиши учун 94 та вакилдан 93 таси розилик берган, биттаси қарши чиққан.

Қабул қилинган қонун Белорус Республикасида ОАВ ҳамда журналистларнинг иш тартибини бир мунча оғирлаштиради. Хусусан, унга мувофиқ жами актив ва пассив мулкининг 30 фоизидан ортиғи хорижий сармоядан иборат бўлган ОАВ рўйхатга олиниши маън этилади. Чет эл нашрини тарқатиш учун махсус рухсатнома, хорижий ОАВга ишлайдиган журналистлар учун эса давлат аккредитацияси керак бўлади. Бундан ташқари қонун лойҳасида интернет-ОАВни рўйхатга олиш ҳам назарда тутилган, уларнинг фаолияти қонун билан эмас, балки Вазирлар кенгаши томонидан тартибга солинади. Шунингдек, қонун лойиҳасида давлат ва жамият манфаатларига зарар келтирадиган ахборотларни тарқатганлик учун жавобгарлик янада оғирлаштирилган. Таҳририятга нисбатан қайси камчиликлар учун огоҳлантиришлар эълон қилиниши кўлами жуда катта, босма ОАВ фаолиятини тўхтатиш учун эса битта огоҳлантириш кифоядир. Мазкур огоҳлантиришларни хоҳлаган судья, прокурор ёки бошқа давлат хизматчиси эълон қилиши мумкин. Белорус журналистлари ассоциацияси янги қонун лойиҳасига нисбатан билдирилган эътирозлар битилган хатни вакиллар палатасининг ҳар бир аъзосига йўлладилар, бироқ депутатлар журналистларнинг важларини аҳамиятга молик эмас деб топганга эўхшайди.

Махфий ҳужжатлар йўқолди

Буюкбритания муниципал бошқарув вазири Хейзел Блиарзнинг иш хонасидан ичида сирли маълумотлар сақланган компьютер ўғирлаб кетилган. Полициячиларнинг айтишича, хонадан бошқа ҳеч нарса олиб чиқилмаган. Компьютердаги махфий ахборотлар мудофаа ва экстремизмга тааллуқли бўлишига қарамай, уларнинг ошкор этилиши мамлакат миллий хавфсизлигига хавф солмайди. Шундай бўлса-да, бу маълумотлар шахсий компьютерда сақлаш учун эмас балки, хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган. Буюкбританияда бир ҳафта ичида учинчи маротаба бундай ўғирликлар содир этилишидир.

Масалан, 10 июнь куни Лондондан Суррей графлигига йўл олган поезд ўриндиғида «мутлақо махфий» муҳри урилган ҳужжатлар топилган. Махфий ҳужжатлар йўқолиши юзасидан ўтказилган тергов жараёнида Буюкбритания Вазирлар Маҳкамаси котибиятининг ходимларидан бири вақтинчалик ўз лавозимидан четлаштирилган.

Айнан шу куни, Лондонга кетаётган бошқа бир поездда террорчиликни молиялаштириш, наркотиклар контрабандаси ва жиноий йўл билан топилган пулларни легаллаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги ахборотлар мавжуд махфий ҳужжатларга тўла пакет топиб олинган. Мазкур ҳужжатлар кимга тегишлилиги ва икки топилма ўртасида қандай алоқа борлиги хусусида маълумот берилмаяпти, деб хабар қилади «BBC News» ахборот агентлиги.

Қалбакилаштирилган дори воситаларидан эҳтиёт бўлинг!

Қалбакилаштирилган дори воситалари — бу истеъмолчи саломатлиги учун жиддий хавфдир. Уларда таъсир этувчи моддалар умуман бўлмаслиги ёки аксинча таркибида зарарли, заҳарланиш ва бошқа салбий оқибатларга олиб келадиган моддалар бўлиши мумкин. Қалбакилаштирилган дори воситаларини истеъмол қилиш натижасида беморнинг соғлиғи оғирлашса ёки ўлимга олиб келса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик ушбу дори воситасини сотган дорихона муассасаси раҳбари зиммасига тушади.

Сўнги йилларда қалбакилаштирилган дори воситалари сони кўпайиб бормоқда, хусусан **«Ринза»** савдо белгиси остидаги қалбаки дорилар бунинг ёрқин далилидир.

2006 йилда **«Ринза» таблеткалари № 10** дори воситасининг 3 та қалбакилаштирилган нусхаси аниқланган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 8 тага етди. 2008 йилнинг февраль ойида эса қалбакилаштирилган **«Ринза»** таблеткаларининг умумий сони 9 тани ташкил этди. Шунингдек, 5 граммли пакетчалардаги **«Ринза СИП»** эритиладиган кукун дори воситасининг қалбакилаштирилган 2 та серияси фош этилди.

Қуйида қалбакилаштирилган дори воситаларининг сериялари келтирилган:
«Ринза» таблеткаси №10- серияси U6198, BT-172, BT-173, 140106, 011205, 01402, R013.
«Ринза» таблеткаси №4 - серияси 010807
«Ринза СИП» эритиладиган кукун 5 граммли пакетчаларда №5 серияда - L6137, B-6130 бўлади.

ЭСИНГИЗДА ТУТИНГ!

Қалбакилаштирилган **«Ринза»** дори воситалари кутилган самарани бермайди ва соғлиқ учун ўта хавфли. Қалбаки дори воситасининг сотилиши натижасида юзага келган барча нохушликлар учун дорихона муассасаси раҳбари жавобгардир.

Дорихоналарда **«Ринза»** дори воситаларини сотиб олишда мувофиқлик сертификати ёки ҳисоб-фактурада кўрсатилган сертификация тўғрисидаги маълумот, шунингдек касса аппарати чекини талаб қилинг. Дори воситаси қутисида кўрсатилган препарат серияси мувофиқлик сертификатида кўрсатилган серияга мослигини текшириб кўринг.

Агарда **«Ринза»** препарати ёрдам бермаса ёки унга нисбатан сизда шубҳа пайдо бўлса, сиз препаратни сотиб олган дорихона муассасаси раҳбарига мурожаат қилинг ёки **«Ринза»** қутисини, касса аппарати чекини **«Фармед» ХФ**га олиб келинг. Биз қалбакилаштирилган **«Ринза»** дори воситасини грипп ҳамда шамоллашда самарали ёрдам берувчи оригинал **«Ринза»** препаратига бепул алмаштириб берамиз. Биз сизнинг саломатлигингизни қадрлаймиз.

Мурожаат учун «Фармед» хусусий фирмасининг телефонлари: 228-55-00, 228-55-66

Эҳтиёт бўлинг: қалбаки дори воситалари!

Ироқда яна портлаш

Боғдод бозорларидан бирида содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида қурбонлар сони 51 кишига етиб, 75 киши жароҳатланди. Портлаш душанба куни кечқурун, Ал-Хуррия туманида, ишдан қайтаётиб бозор-ўчарга кирган одамлар билан гавжум вақтда содир этилган. Натижада бозор яқинидаги кўп қаватли бино билан вайрон бўлган, юзага келган ёнғин оқибатида 20 та дўкон ёниб кетган. Маълум бўлишича, террорчилик ҳаракати содир этилишидан бир неча соат аввал Боғдод шимоли Ал-Суэк туманидаги назорат ўтиш пунктида ҳам портлаш содир этилган. Натижада маҳаллий аксилтеррористик гуруҳининг тўрт нафар аскари ҳалок бўлган, деб хабар қилади «Reuters» ахборот агентлиги.

ДИҚҚАТ, ИЖОДИЙ ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирок этишини таъминлаш, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

— танловга жорий йилнинг 1 июнидан республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти ва мамлакатимизда бу ҳужжатнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий- иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади;

— танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим;

— тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак;

— фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади;

— ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танлов 2008 йилнинг 10 декабрида якунланади.

Ғолиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали мутахассис экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган жюри ҳайъати томонидан аниқланади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР:

1-ўрин (1 та)
2-ўрин (2 та)
3-ўрин (3 та)
Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

Материаллар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2008 йил 1 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. тел./факс: 244-12-51, 244-15-96, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz, mmf.uz@mail.ru.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

ҒАРОВ

Эркин УСМОНОВ

Ўқишлар тугаб, ёзги таътилга чиқ-қан кезларим эди. Энди «қишлоққа қайтаман» деб, халтамни тайёрлаётган куним бекободлик курсдошим Эргашали ётоқхонада пайдо бўлиб қолди-да, «йўл бўлсин?», деб сўради. Айтдим. «Қишлоқда нима бор? Ҳозир шаҳарда нима кўп, қурилиш кўп, биров иморат солган, биров таъмирлаган... Студентбоп иш топилади. Ундан кўра, бир ой бўлсаям беш-ўн сўм ишламайميزми?..», — деди қизишиб, — қишлоққа икки қўлингни бурнингга тиқиб боргани уялмайсанми?

Ўйлаб қарасам, гапларида жон бордек. Ўзим ҳам уйга шўппайиб кириб боришдан хижолат чекиб юргандим. Шамол у чўнтагимдан кириб, бунисидан чиқиб юрар, бунақа «ит ётиш, мирза туриш»дан чарчагандим. Рози бўлдим. «Унақада, эртага пешинда Қатортолдаги қаҳвахонада кўришамиз, — деди-ю, кетди.

Эртаси куни келишилган вақтга етиб бордим. Эргашали ўша ерда, иккита кружка пиво билан, тўрттақурутни олдига қўйиб кутиб ўтирган экан.

— Оч қорингга қанақа бўларкин? — дедим кабоб пиширилаётган тарафга имо қилиб.

Эргаш кулди.

— Зўр бўлади! Пиваям арпадан тайёрланади, қоринни тўқ тутади!..

Анчагача ҳангомалашиб ўтирдик. Эргашали бу орада яримтадан шўрва, иккитадан кабоб олиб келди. Ўтиришимиз «шоҳона» тус олди. Мениям «ҳотамтойлигим» тутиб кетди-ю, «қора кунлар»га деб сақлаб юрган пулимни чиқариб юбордим. Эргашали қайси бир таниши билан гаплашган экан, янги иморат қураётганмиш. Иложи бўлса, ертўла кавлашга ёрдамлашишга таклиф қилибди. Тижоратчи, Россияга қатнайди, мард одам, — деди Эргашали илжайиб.

Шундан кейин мен ҳам сал хотиржам тортиб, кўнгил хижиллигим тарқалгандек бўлди.

Биз ўтирган баҳайбат чинор тагидаги қаҳвахона салқин, одамлар ҳам сийрак, кўшни столда биз тенгги, биздан каттароқ уч-тўртта ёшяланглар ҳам пиво ичиб, гурунглашиб ўтиришарди, холос.

— Ўв, братишка! — деган овоз эшитилди бир маҳал ўша тарафдан, — бу ёққа кел-чи!

Қарадим. Ўша даврада ўтирган, бўйнига тилла занжир осиб олган, олифта бир йигитча бўйнини чўзганча бизга қараб ўтирарди.

— Бизга гапиряптими? — деди Эргашали ҳайрон бўлиб.

— Санга, санга! — деди «олифта», — қани, буёққа кел-чи!

Бир-биримизга қарадик. Эргашали ўрнидан турди. Мен ҳам ноилож унга эргашдим.

— Нимага қўрқасанла? — деди «олифта» илжайиб, — қани, бундоқ ўтирларинг-чи!

Ўтирдик.

— Қаерликсанла? — сўради «олифта» бизга бошдан-оёқ кўз югуртириб.

— Мен Бекободданман, оғайним Фарғонадан, — деди Эргашали.

— Ўқийсанлами, ишлайсанлами? — сўради қулоғига зирак тақиб олган бошқаси.

— Ўқиймиз. Коллежда, — дедим хижолатомуз. — Ёзги таътилда ишлагани қолдик. Тирикчиликка...

— Маладес! — деди «олифта». — Ишлаган тишлайди.

Шериклари пиқиллаб кулиб юборишди.

— Отинг нима? — сўради қора кўзойнакли новча йигитча.

— Меники Эргашали, — деди Эргашали ва менга имо қилди. — Буники, Убайдулла...

— Мана бу, бошқа гап, — деди «хумкалла». — Земляк эканмиз. Мениям аммамнинг олдинги эри Фарғонадан эди...

Йигитлар яна гур этиб кулиб юборишди.

— Унақада «земляк»ларнинг учрашувини ювсак бўларкан, — деди «олифта».

— Гап йўқ! — деди «хумкалла» ва буфет тарафга қичқирди, — Шеф! Олтита пиво! «Чимкентский»дан!

Ўрта ёшлардаги буфетчи олиб келиб берди.

— Вей! — деди бир қулоғига зирак тақиб олгани тиржайиб, — ҳозир ўқиган одам аҳмоқ! «Контракт»да, фалон минг тўлаб ўқийди-да, кейин иш қидириб юради.

— Эсингдами, Алиш? — деди «новча» «олифта»га қараб, — мактабимизда битта ўқитувчимиз бор эди. «Оталар сўзи» деб лақаб қўйишган. Ҳадеб, «одам бўлишинглар қийин» дерди-ку!

«Олифта» эслади шекилли, оғзини тўлдириб кулиб юборди.

— Бўлди, бўлди, — деди у. — Мактабни битиргунимизча битта костюм-шимда юрган эди. Бировга аҳл ўргатишни яхши кўрарди.

— Қайси куни ўшани Чорсуда, бозорга кираверишда кўриб қолдим, — давом этди «новча», — қарасам, ёғоч яшикни тўнкариб, сигарет, писта, банка шишада қурут сотиб ўтирибди. Вей! Кўзимга ишонмадим. Кейин олдига бордим-да, сигарет олиб, чекдим. Кейин, «Мени танимадингиз-а?», дедим. У ҳайрон бўлиб қаради. «Йўқ», деб бош чайқади. «Бир пайтлар сизга одам бўлишингиз қийин» дегандимку, эсингиздан чиқибди-да?» — дедим...

Уларнинг қаҳқаҳасидан қаҳвахона ларзага тушгудек бўлди.

Даврадагилар шу тариқа анчагача у ёқ-буёқдан гаплашиб ўтиришди. Биз ҳам индамай қулоқ солиб ўтиравердик. Кейин «еган оғиз уялар» деганларидек, бир-икки марта пиво олиб келдик. Бир маҳал Эргашали «кетамиз» деганди, «олифта» «бир пас ўтиринглар» деб қўймади. Мен ҳам илтимос қилдим.

— Бўпти, унда ҳозир гугурт ташлайман, — деди у тиржайиб. — Агар тик турса, яна бирпас ўтирасанлар. Йиқилса, ё ёнбошига тушса, кетаверасанлар!

Гугурт ташланди. Йигитчалар яна қийқириб юборишди. Кутича тик тушган эди. Ноилож жойимизда қолдик.

— Майли, хафа бўлмаларинг, — деди яна «олифта». — Яна биттадан пива ичамиз-у, кетамиз. Гугуртни ташлайман. Агар тик тушса сенлар олиб келасанлар, бўлмаса биза!..

Гугурт ташланди. Бу сафар ҳам биз ютқаздик. Эргашали олтита кружкада пиво олиб келди. Кула-кула ичишди.

— Ке, братишкам, гугуртни ўзинг ташла, — деди новча йигит. — Тикка тушса, биза минг сўмдан ташиймиз, ютқазсанглар, санла!

«Нима бўлса, бўлди» дедим-у, гугуртни ташладим. Кутилмаганда, бизга омад кулиб боқди. Ютдик. Гугурт қўлма-қўл бўлиб кетди. Бу ўйинга ўзимиз ҳам қизиқиб кетганимизни сезмай қолдик. Ўртага беш мингдан қўйилди. «Энди кетақолсак бўларди», дейман ичимда безовталаниб. «Бу шаҳарлик олифталар битта қўймай патимизни юлиб олишадику, ахир?..»

Худди ўйлаганимдек бўлди. Ютқаздик. Яна пиво олиниб, ўйин давом этди. Беш мингдан, ўн мингга, ундан йигирма минг сўмга чиқишди...

Бир маҳал бақалоқ буфетчи югуриб чиқди.

— Қани, қиморвозликни йиғиштирларинг-чи! — деди бизга ўқрайиб. — Бўлмаса, милиса чақираман!

— Қўйсайиз-чи, шеф, — деди «олифта» илжайиб. — Қанақа қимор? Шунчаки, ҳазиллашиб, эрмак қилиб ўтирибмиз-ку?

Шериклари ҳам тасдиқлашди.

— Бизни танимаяпсизми, братан? Доимий «клиент»ларингизмизу?

— «Дискотека» очилгунча, шунчаки ўтирибмиз, холос...

Буфетчи тўнғиллай-тўнғиллай орқасига қайтди. Бу орада шивир-шивир билан столдаги «банк» эллик мингга чиқди...

— Қарзларинг 70 минг бўлди, — деди бир маҳал қора кўзойнакли йигитча.

— Бизда бунақа пул йўқ, — деди Эргашали бўшашиб.

Қандай хатога йўл қўйганимизни сезиб, дамим ичимга тушиб кетди.

— Ўзларинг ҳазил дедиларингку? — дедим минғирлаб.

— Мен ҳазилни ёқтирмайман, — деди «олифта» хўмрайиб. — Ютқаздингми, «отвечат» қилишинглар керак!

— Унақа ғирромлик қилманглар-да, — деди Эргашали муроса оҳангида, — икковимизнинг бор пулимиз шу эди... Ютқаздик. Бўлди-да!

— Нима бўлди-да? — овозини баландлатди қулоғига зирак тақиб олгани.

— Э, секинроқ, Марат, — деди «олифта» унга қараб. — Булар яхши болалар. Топиб беришади. Шунақами? — у яна бизга қаради.

— Йўқ дедик-ку, — бўш келмади Эргашали. — Куппа-кундузи одамни шилишни нима кераги бор?

— Ие, булар бизни киссавур ё ўғри деб ўйлаяпти, шекилли? — деди хумкалла.

— Шилиш дегин? — деди «олифта» лабига сигарет қистириб. — Яна терингларни шилиб олмайлик?

— Нима кераги бор шунақа гапларни, ака, — дедим мен. — Мана, менинг соатимни олақолинглар. Яхши соат. Механический!

— Шу яхши соатингни трамвайнинг тагига ташлагин, хўпми? — деди «олифта» сурбетлик билан. — Менга қара, агар бир соат ичида ютқазган 70 мингни топиб келмасанглар, бошқача гаплашамиз!

— Қаёқдан оламиз?

— Унисини билмадик, — елка учирди «олифта». — Гугурт ташлаш ўйнадингларми?

Биз индамадик.

— Ўйнадиларинг! — давом этди у. — Энди бунақа жирилламаларингда! Ўғил бола мард бўлиши керак!

— Хўп, топиб келамиз, — деди Эргашали бирдан ўрнидан туриб. — Ғишт қуйиб, юк ташиб бўлсаям, кейинроқ тўласак бўладими?

— Бўлмайди, — бош чайқади «олифта». — Бизга «соққа» ҳозир керак.

— Майли, юр кетдик Убайдулла, — деди Эргашали менга қараб.

— Э, йў-ўқ, — деди «хумкалла» ўрнидан туриб. — Убай биз билан қолади. Гаровга!.. Сан пулларни олиб келганингдан кейин оғайнингни олиб кетасан.

Юрагим шув этиб кетди. Эргашали қотиб қолди.

— Нима, ишонмаяпсизларми? — деди у тили зўрға айланиб.

— Ҳар эҳтимолга қарши-да, — деди қора кўзойнакли тиржайиб.

— Қаёқдан топиб келасан, Эргашали? — дедим дўстимнинг аҳволини кўриб.

— Бекободдан! — хохолади «хумкалла».

Эргаш бечора, елкаси оша қарай-қарай, оёқларини оғир судраб бораркан, мен унинг орқасидан мўлтираганча қолдим. Нимаям қилаолардим? Хўрлигим келди. Ҳаммасига кўнгил бўшлигимиз сабаб. Эргаш бечора қаёқдан 70 минг топиб келади энди?

...Орадан қанча вақт ўтди, билмадим. Йигитчалар ҳамон қандайдир бизнес, қандайдир қизлар-у саунаалар ҳақида вақиллашишар, мен эса гаровга олинган асирдек лолу ҳайрон ўтирардим.

Худо деган эканман, орадан чорак соат ўтар-ўтмас қаҳвахонага иккита милиционер кириб келди. Уларни кўриб даврадагилар безовталаниб қолишди ва яхт этиб менга қарашди. Бир кўнглим милиционерларни чақирмоқчи ҳам бўлдим. Лекин улгуролмадим. Йигитчалар «юр, кетдик, Убай» деганча, мени юргудек қилиб судраб, олиб чиқиб кетишди.

Қаҳвахонанинг рўпарасидаги кўчанинг бу бетидаги хиёбонга ўтиб, ўриндиққа ўтирдик. «Олифта» асабийлашиб чекар, қолганлар эса ўзаро нималарнидир шивирлашиб ўтиришарди.

Мен эса... Мен бир замбил лойдек ўтирибман. Ва ўрнимдан тураоламан, на юраоламан. Кўзларимга дунё қоронғу. Нима қилишни билмайман. Уёқда Эргашалидан дарак йўқ. Таътилда уч-тўрт сўм ишлаймиз деб, 70 мингга тушиб турганимизни ўйласам, дод деворгим келади.

Йўқ, дод дейишнинг ҳожати қолмади. Қаҳвахонага кирган бояги милиционер йигитлар кўчани кесиб ўтиб, биз тарафга кела бошлади. Буни кўриб олдимдагилар безовталаниб қолишди.

— Кетдик, — шивирлади қулоғига зирак тақиб олган йигитча.

— Мент-да! — тиржайди «олифта». — Келаверсин-чи, нима деркин?

Милиционерлар рўпарамизга келиб тўхташди. «Барака топинглар, братанлар», деб қўйдим ичимда.

— Буёққа юр-чи, Алиш, — деди милиционерлардан бири «олифта»га қараб.

— У ёқда нима қиламан? Шу ерда гапираверинг, — илжайди «олифта».

— Бўлимга борайлик, ўша ерда гаплашамиз, — деди иккинчи милиционер.

— Вақтимиз йўқ, — деди «олифта» олифталик қилиб.

— Бизнинг эса вақтимиз бор, — деди биринчи милиционер ва бирдан биз тарафга юрди.

Ҳаммаси кўз очиб-юмгунча содир бўлди. Милиционерлардан бири «хумкалла»нинг қўлидан ушлади. У «қўйвор, синдирасан» дея, силтаниб чиқиб нарироққа қочди. Буни кўриб бошқа йигитчалар ҳам ўринларидан қўзғалишди.

— Нима кераги бор, старшина, — деди «олифта» қўлини пахса қилиб. — Биза «тиха» ўтирибмиза-ку?

— Гапни кўпайтирмай, яхшиликча борасизлар. Ё ўзимиз олиб борамиз, — деди барзанги милиционер унга яқинлашиб.

«Қоч, болалар!» қичқириб юборди кимдир ва йигитчалар худди шу бўйруқни кутиб тургандек, тўрт тарафга қочишга тушишди.

— Ҳали яна қўлимизга тушасизлар-ку, — дея сўкинганча қолди милиционер.

Мен эса ҳамон бўлаётган ишга тушунмай ҳанг-манг ўтирардим. Милиционерлар мени «тутиб» ички ишлар бўлимига олиб кетишди.

У ерда мени... Эргашали кутиб ўтирган экан. Икковимиз худди кўп йилларидан бери учрашмаган оғайнилардек қучоқлашиб кўришдик...

Ҳикоя шу ерда тугаши мумкин эди. Лекин яқинда унинг ёзилишига туртки бўлган бир ҳодисага кўзим тушди-ю, давом эттиришга тўғри келди.

«Фарҳод» бозори оралаб ўтиб бораётгандим. Дарвоза яқинида кичкинагина столча қўйиб ангишвона ва зўлдирчалар билан ўйин кўрсатаётган бир болага кўзим тушиб қолди. Унинг атрофини ҳангоматалаб томошабинлар ўраб олишган. Қўлларида даста-даста пул тутган боланинг шериклари эса кўзлари олазарак бўлиб теварак-атрофга кўз-қулоқ бўлиб туришарди.

Ана шу ерда дўстим Эргашали икковимиз билан бўлиб ўтган кўнгилсиз ҳодисани, бўйнига тилла занжир тақиб олган «олифта», сочини устарада қирдирган «хумкалла», бир қулоғига зирак тақиб олган йигитча ва қоракўзойнакли «новча» болани эсладим.

Сиз юқорида ўқиган ҳикоя шундан кейин туғилди...

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 555. 21 933 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G'ofurjon ALIMOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 19.00 1 2 3 4 5 6 7 8